

Карим НОРМАТОВ



# АБАДИЯТГА ДАХЛДОРЛИК



N°36885  
Абадиётга  
Дахлдорлик  
Бадиа

Карим НОРМАТОВ

Давлат ва жамоат арбоби  
Ислом Каримов таваллудининг  
80 йиллиги

АБАДИЯТГА  
ДАХЛДОРЛИК

Бадиа

36885

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
ToshDO'TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ – 2017  
“НАВРЎЗ” НАШРИЁТИ

UO`K 83 (Узб)(575.3)

O-56

КВК 118.02.8

К. Норматов. /Абадиятга дахлдорлик. Бадиа.  
– Тошкент: “Наврўз” нашриёти. 2017 й. 92 б.

ISBN 978-9943-381-56-8

Масъул муҳаррир:

Раҳмон Фармонов – тарих фанлари доктори, профессор.

*Таниқли олим, публицист Карим Норматов ушбу бадиасини Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан ўз дил изҳорларини портретга чизгилар сифатида ифода қилади. Бадиада Ислом Каримов – Ўзбекистон давлати асосчиси, меъмори, жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий-сиёсий ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатган янги ва теран гоялар муаллифи ҳамда Ўзбекистон мамлакати учинчи Ренессанс даврини бошлаганлигини – унинг таълимотига асосланган ҳолда муфассал тарзда таҳлилий жиҳатдан талқин қилади.*

*Асар ватанпарварлик ва унинг улугвор бой мероси гояларига садоқат руҳида тарбия олаётган ёшларга, кенг оммага мўлжалланган.*

UO`K 83 (Узб)(575.3)

O-56

КВК 118.02.8

© Карим Норматов.

© «Наврўз» нашриёти, 2017.

## МУҚАДДИМА

*Миллий мустақиллигимизнинг асосчиси мухтарам Ислом Абдуганиевичнинг сўнмас хотирасига қўйилган энг буюк ҳайкал – бу мустақил ва суверен, эркин ва озод Ўзбекистон давлатидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ.*

Биринчи Президент Ислом Каримовнинг мустақил давлат ва жамиятни тубдан ислоҳ қилиш борасидаги таълимоти ўзининг мазмун-моҳиятига кўра даҳо шахс қарашларининг нечоғлик илмий-назарий асосланганлиги, мантиқан пишиқлиги ва амалий жиҳатдан зарурат эканлигини эътироф қилди. Бошқача қилиб айтганда, Ислом Каримов жаҳон сиёсати саҳнасида ўзига хос йўлдан бориб, новатор ислоҳотчи сифатида янгидан-янги имкониятларни намоён этганидан далолат берди.

Инсоният тарихида Биринчи Президент Ислом Каримов жаҳоний ҳодиса, буюк сиёсий Ислоҳотчи сифатида гавдаланди! Сиёсий-ижтимоий, ташкилий, гоявий-мафкуравий ва бошқа турли маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам эски тузум, яъни янгича тузумни мутлақо истамайдиган, унинг томирлари чирмашиб кетган “қайта қуриш” деган бир шароитда Ўзбекистон сиёсий раҳбари 1989 йил 23 июндан эътиборан янгича тафаккур ва янгича яшаш тарафдори бўлиб майдонга чиқди.

Эскилик билан тинмай қурашиб, янгиликни аччиқ изтироб ва машаққат билан онгимизга сингдириш бошланди.

“Унинг новаторлик кучи мамлакатни бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўта ҳушёрлик, донолик билан олиб ўтишида, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига қатъий ишонч билан барча соҳадаги ислохотларни эпчиллик ва қаттиққўллик ила жорий этишига интилишида намоён бўлмоқда”<sup>1</sup>. Бу Президентнинг шахс сифатидаги ноёб фазилати, деб қайд қилган эди сиёсатшунос олим Нарзулла Жўраев.

Айтиш жоизки, Буюк ислохотчининг Шахс сифатидаги бебаҳо фазилати ҳамда давлатчилик ва бошқарувчилик сиёсати чиндан ҳам жаҳон жамоатчилиги диққатини ўзига тортди. У кишилиқ тараққиётида мавжуд бўлган русумларга ўз қарашлари билан туб бурилиш, оламшумул янгилик қўшди. Дунё давлатчилиги ва оқилона ислохотлар даврида уни бошқариш тажрибаларини йигарма етти йил давомида назарий ва амалий жиҳатдан бөйитди.

Буюк Йўлбошчининг теран ва кўп қиррали эзгу эътиқодига кўра, ўзбек миллий давлатчилик кашфиёти юзага келгани, демакки ҳақиқатга садоқат Ўзбекистон истиқболи – буюк давлатнинг вужудга келиши ҳақидаги башорат эди! Ўзлари – Ислом Каримов жаҳон тан олган улуғ сиймо – Ҳиндистон миллий-озодлик курашининг етакчиси Маҳатма Ганди тўғрисида шундай таъкидлаган эди: “халқ орасида “Маҳатма”, яъни буюк қалб эгаси деб шухрат қозонган улкан мутафаккир ва давлат арбоби Маҳатма Ганди асос солган гандизм таълимотида ҳинд халқининг дилига беҳад яқин бўлган гоё ва тушунчалар мужассам топган. Айниқса, ўз юртини мустамлакачилардан озод қилиш, ягона Ҳиндистон бирлиги, мустақил давлат барпо этиш масаласи Маҳатма Ганди ҳаёти ва фаолиятининг маъно-мазмунини ташкил этади”<sup>2</sup>. Жаҳон тарихи абадиятга дахлдор

<sup>1</sup> Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Т.: “Ёзувчи”. 1998. 218-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. 2008. 162-б.

тараққиётни кўплаб бошидан кечирган, қаерда тинчлик ва омонлик ҳукмрон бўлса, ўша жойда гандизм таълимотига кўра “турли муаммо ва зиддиятларни куч ишлатмасдан, тинч йўл билан ҳал қилишга оид фикрлари дунё давлатлари ўртасидаги муносабатларда, ижтимоий ҳамкорлик масаласида бугун ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмасдан келмоқда”<sup>3</sup>, - деган буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримовнинг баҳоси ҳозирги даврнинг мезонини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўта ҳақли ва ўринли равишда Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида шундай қайд қилди: “Оддий ва очиқ инсоний мулоқот – минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усулдир.

Марказий Осиёдаги долзарб масалаларни мамлакатларимизнинг саъй-ҳаракатларини умумий масъулият тамойили асосида бирлаштириш орқалигина ҳал этиш мумкин, деган фикримга, ўйлайманки, сизлар ҳам кўшилиасиз”<sup>4</sup>.

Бундай ҳаётий ғояларни таклиф қилиш ва унинг негизида оламшумул муаммоларни ҳал этиш эзгулик кашфиёти бўлиб келгусида яхлит таълимот тусини олади, албатта. Давлатимиз раҳбарининг: “Мухтарам Юртбоши-мизнинг букилмас иродаси, фидойилиги, мардлиги ва ватанпарварлиги, узоқни кўриш ва стратегик фикрлаш қобилияти ватандошларимизни ягона мақсад сари бирлаштиради...

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 11 ноябрь.

*Мухтарам Ислом Абдуганиевичнинг босиб ўтган умр йўллари, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги тарихий хизматлари барчамиз учун, шу жумладан, мен учун ҳам энг ёрқин ибрат намунаси ва катта ҳаёт мактаби бўлиб қолади*<sup>5</sup>, – деган таъкиди айни муддао эканлигини қайд қиламиз.

Зеро, Ўзбекистондаги ислохотлар дунёнинг энг илғор давлатчилик тажрибалари ва демократик тамойилларига мос келадиган, айни пайтда ниҳоятда миллий ҳамда таг-заминли давлат қурилаётганлигини хорижлик етакчи сиёсатдонлар, адиблар, иқтисодчи ва экспертлар тан олишган ва юқори баҳо беришган эди. Чунончи, жаҳон адабиётининг буюк намоён-даси, ўзбек халқининг севимли адиби Чингиз Айтматов чин дилдан шундай фикр билдирган: *“амин бўлдимки, бу зот ўз халқининг, ўз давлатининг тарихини теран биладиган, маданият ва санъатнинг турли тармоқлари бўйича чуқур тасаввурга эга бўлган том маънодаги давлат арбоби экан*<sup>6</sup>.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А.Каримовнинг елкасида бутун бир озод юрт юки, халқ орзу-армони, ўтмиш учун жавобгарлик, келажак олдида эса қарздорликнинг оғир ҳамда залворли бурчи ва вазифаси – унинг доно раҳнамолигида йигирма етти йил мобайнида жаҳон тамаддуни андозаларига тўлиқ жавоб берадиган суверен, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилди, халқимизнинг миллий манфаатлари, ўзлиги ва менталитети ҳисобга олинган ҳолда мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича тизимли ва тадрижий ишлар амалга оширилди. Шу боис ҳам ҳурматли давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: *“Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти,*

<sup>5</sup> *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1. Т.: Ўзбекистон. 2017. 42-б.


<sup>6</sup> *Айтматов Ч., Шохонов М.* Қояда қолган кўз ёшлар. “Жаҳон адабиёти”. 1997 йил, №1. 46-б.

*олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди.*

*Буюк Юртбошимиз нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилган эди. Шунинг учун ҳам устозимизнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича минглаб юртдошларимиздан кўплаб таклиф ва тавсиялар келиб тушмоқда. Уларнинг барчаси айни пайтда атрофлича ўрганилмоқда ва бу борада алоҳида қарор қабул қилинади*<sup>7</sup>.

Шундай қалб амри ила айтилган улкан ва теран ғоявий-мафкуравий фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромоновичнинг Буюк Йўлбошчига, таъбир жоиз бўлса, Устозига бўлган катта эҳтироми ва эътирофи эди. Унинг абадиятга дахлдорлиги, яъниким, бундай Буюк ва Улуғ зот Яратганнинг халқимизга инъом этган бебаҳо марҳамати бўлди.

Демак, Биринчи Президент Ислом Каримов таълимоти, унинг иш услуби, жаҳон сиёсати тараққиётига қўшган ҳиссаси алоҳида ўрганишни, махсус тадқиқотларни, назарий жиҳатдан эса чуқурроқ таҳлил этишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Умуман, Президентлар – элу юрт обрў-эътибори ва иймон-эътиқоди, миллат ва халқ кўрки, унинг қадру қиммати, ҳамда Ўзбекистон мамлакатининг ақл-идроқи ва кўзгуси.



<sup>7</sup> *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1. Т.: Ўзбекистон. 2017. 135-136-бетлар.

## ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ

Шу куни эрталабдан нақадар саховатли ва айни пайтда тунд Москва ҳавосини тотиб, биров машқ қилдим: тонгдан чопаман, боксга доир ҳаракатларни бажариб, бешинчи қаватдаги хонамга кирдим. Столимда тахлам газеталар: “Совет Ўзбекистони”, “Правда Востока”, “Аргументы и факты”, “Московские новости”, “Правда”, “Вечерняя Москва”, “Советская культура”, “Литературная газета”, “Известия”. Уларни яна бир даъфа кўздан ўтказиб (сўнгги қарийб тўрт ойлигини, Фарғона воқеаларига доирини атайлаб йиққанман), баъзи рақамларни чўнтак дафтаримга кўшимча равишда ёзиб олдим.

1989 йил 5 сентябрь, соат 10:30 да КПСС МК биносига кирдим. Қўлимга чиптани (Москва+Тошкент, 186-авиолайнерда учиш учун) олиб, шундоқ бинодан чиқиш эшиги олдида уч нафар шахсни кўриб тўхтадим.

Йигирма йиллар чамаси олдин биринчи марта, кейинроқ йиғилишларда кўрганим: миқтидан келган, дўнғпешона, кўзлари зийрак, аммо бир оз қайғули, оёқларидан ўт чакнаган (уларнинг келишини ойнаванд эшикдан кузатиб турганим ва сўрашиб, сўнг чиқиб кетишни чоғлаган эдим), кийинишлари ярашиқли, ниҳоятда дадил ва кескин Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари Ислоом Каримов, ёнларида ёрдамчилари Г.А.Крайнов, яна ўзига хос барваста киши (хаёлимдан хос соқчи ўтди) киришди.

Ҳали сўрашиб бўлмади (албатта, ўзбекча). Ислоом Абдуғаниевич сўз бошлади:

– Ты, тот журналист, который работал в газете?

– Да, Ислам Абдуғаниевич! Не забыли.

Менда биров ҳайиқиш, қандайдир кўркувга ўхшаган ҳадиксираш пайдо бўлди. Ийманиб турибман...

Ислоом Каримов яна сўради:

– Где работаешь? Здесь?

– Нет, в вузе. В Московском технологическом.

– Ты доктор наук?

Худди сезгандай гапирди Ислоом Абдуғаниевич.

– Да. Доктор исторических наук. Выполняю обязанности профессора на кафедре.

Негадир ҳаяжоним ошиб борар, юрагим дук-дук урар, олдимда гўё улуғлар улуғи, буюқлар буюғи – бир зот гавдаланиб, кўз ўнгимда Ҳизр тургандай, эхтимол ундан-да бузрукми, хуллас каловланиб турсам, Ислоом Абдуғаниевич:

– Приезжай в Ташкент. Я собираю и приглашаю молодых специалистов. А, ты доктор наук, тем более. Знаешь, партия разваливается!? Не заблуждайся?

Менинг миямга ток урилгандай бўлди.

Ислоом Каримов Москвадан ташқари Ленинград, Новосибирск, Киев ва хорижлик ўзбекистонликларни Республикага чорлаётганини, бир сўз билан айтганда, шундай соғлом кучлар ҳозир жуда кераклигини уқтирди!

Дарвоқе, 1989 йил 19 августда Ислоом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Компартияси МК XVI пленумида “Жамиятни янгилаш учун курашаётган барча соғлом кучларни бирлаштириш зарур” мавзусида сўзлаган нутқида ҳам: “Шу нарса мутлақо равшанки, қийин аҳволдан чиқишнинг йўли, энг аввало, ишларнинг аҳволига холис баҳо бериш, республикадаги вазиятни соғломлаштиришнинг конкрет ва аниқ-пухта программасини ишлаб чиқишдан иборат. Бизнингча, мазкур программанинг асосий мазмуни ва моҳияти – энг аввало, халқимиз турмуши ва фаровонлигини тубдан ва кескин яхшилаш мақсадида барча соғлом кучларнинг бирлашиши ва ҳамкорлик қилишини кўзда тутуди. Айни пайтда мазкур вазифани ҳал этишни келгуси

беш йиллик охирига ёки 2000 йилгача қолдирмай, унинг натижаларини одамлар яқин вақтлар ичида ҳис этишлари керак.

Ишни биринчи галда ҳаётимизнинг барча соҳаларида қатъий тартиб ва интизом ўрнатишдан, раҳбар кадрларни жой-жойига тўғри қўйишдан, уларга нисбатан талабчанликни оширишдан бошлаш лозим”<sup>8</sup>, – деб қайд қилган эди.

Соғлом кучларни бирлаштириш, бизнингча, Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги кескин фаолияти ҳамда истиқболига бефарқ бўлмаслик, демак ўта муҳим воқелик-зарурат эканлигини таъкидлаш зарур эди.

“Ҳар бир киши ўз жойида ўзига топширилган ишни виждонан ва ҳалол бажариб, ташаббус кўрсатиши бугунги кунда ғоят муҳимдир. Олға томон боришимизнинг асосий шароити мана шундадир”<sup>9</sup>, – дея таъкидлаган эди Ислоҳ Каримовнинг қатъий таъкиди эди.

Мен эртасига, 6 сентябрда Тошкентда Марказий Комитет биносида ушбу Пленум материаллари билан танишиб, ҳурматли Ислоҳ Каримовнинг юқоридаги қалб нидоси ёки амри деймизми, ўқиганман, тасаннолар айтганман.

...Тақдир, тақдир шундай бир ҳаётий воқеликки, одамзод ундан бир зум ҳам нари кетолмайди! Мен 5 сентябрь эрталабдан енгил торганим – улуғлар улуғини учратдим! Шу куни кеч оқшом 12:45да (Москва вақти) Домодедово аэропортидан Тошкентга учадиган рейсдаги самолётга бир соатча олдин бориб жойлашдим. Самолётга чиқиб, иккинчи қаторда, ойна ёнида бояги “барваста одам”нинг у ёққа, бу ёққа аланглаб, қараб, сўнгра биринчи қаторни қўллари билан пайпаслаб, ҳозир деганича, трап томон кетганига кўзим тушди.

<sup>8</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т., Ўзбекистон. 2011. 51-б.

<sup>9</sup> Ўша жойда.

Мен ўртага ўтирдим. Биринчи қаторда икки кишилик ўриндик бўлиб, иккинчи қатордан уч кишилик ўриндиқлар тизимлашиб, ҳаммаси бўлиб 356 нафар йўловчини осмону фалакка олиб чиқиб, дунёни кезади, бу – ИЛ 186. Ўша даврнинг энг биринчи, ҳатто ноловой аэроплани эди!

Чалғимай. Тақдир дедим-ку? Учовлон кириб келишди. Мен жойимдан туриб, салом бердим. Ёнимдаги аёл ҳам. Бояги барваста киши ёнимизга ўтирди.

Ислоҳ Каримов билан Георгий Алексеевич Крайнов биринчи қаторга ўтиришди. Крайнов менга юзланиб:

– Ты, куда? Смотри, вместе летим, – деди қувониб.

– Если, не возражаєте, поменяемся местами. Поговорю Исламом Абдуганиевичем по Ферганским событиям. Еду по заданию. – дедим.

У бошлиғига юзланди. Сўнгра менга энгашиб: “Мизғиб олсинлар. Эрталаб келган эдик Москвага. Ўнлаб идораларга кирдик. Кейинроқ”, – деди у.

Аэробус эса осмону фалакда чарх уриб, Қадимий Шарқ томон парвоз қиларди.

Ёрдамчи билан жой алмашиб, бирор соатча Ўзбекистон етакчиси билан суҳбатлашдим. Тафаккуримда бутунлай бошқа олам пайдо бўлди. Дунёқарашимда инқилобий қатъий ҳолат юзага келди. Ватанни, она юртни севиш, унинг истиқболини ўйлаш, муҳимдан-да, энг муҳими – Мустақил Ўзбекистонни тасаввур қилиш, унинг стратегик йўналишларини ўн бир минг метр тепада туйганимни ҳозир ўйласам...

Шундай тағ-заминли теран ғоялар: аёллар масаласи, Орол ва ёшлар, кадрлар, юрт истиқболи, бағрикенглик, тинч-тотув яшаш омиллари, томорқа – бу ўзбекнинг фаровонлиги, ҳозир муаммо бўлиб, ҳал этиш чоралари кўрилаётгани, яқин кунларда ўзбек тилига давлат мақомини бериш ҳамда айрим чигалликлар ҳақида батафсил гапириб берганини ҳозир,

хамон эслаб, буюк Зотнинг улуғлигига тасаннолар айтаман. Оллоҳим, Ўзинг Яратувчи. Ўзинг жойини жаннатдан...

Қайта қуришнинг Ислом Каримов даври – 1989 йил 23 июндан 1991 йиллардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муҳит нуқтаи назаридан қаралганда, республикамиз раҳбарининг баъзи хатти-ҳаракатлари Марказдаги “катта оғаларимиз”га асло маъқул тушмас эди. Шунинг учун улар Тожикистон, Озарбайжон, Грузия, Арманистон ва бошқа бир қатор иттифоқдош республикаларда турли йўллар билан уюштирилган қонли фожиаларнинг Ўзбекистонда ҳам ташкил этилиши учун маккорона ва қабиҳ режалар туздилар, бор имкониятлари билан манфур ниятларини амалга оширишга уриндилар. Бунинг учун “марказчи”лар Республикада вужудга келтирган оғир ижтимоий-иқтисодий вазиятдан, миллий ҳис-туйғулардан, ўз орамиздан чиққан айрим мунофиқ кимсалардан фойдаланмоқчи бўлдилар. Муайян даражада фойдаландилар ҳам! Таниқли иқтидорли олим Нарзулла Жўраев: *“Президент Каримов ана шундай мураккаб ва оғир шароитда ўз халқининг дардига қулоқ солиш, унинг муаммоларини зудлик билан ҳал қилиш орқалигина мамлакатни танглик ва бухрондан олиб чиқиш мумкинлигини англаб етди ва бу мушкул вазифани адо этишига қатъий азму қарор қилди, шонч ва шижоат билан киришди”*<sup>10</sup>, - деб таъкидлаган эди.

Бу даврда қизил империя ва коммунистик партия ўз келажагининг унчалик ҳам ёруғ эмаслигини, узоққа бора олмаслигини пайқай бошлади. Бу ҳолатни муҳтарам Ислом Абдуганиевич Каримовнинг мен билан бўлган суҳбатидан ҳам биласиз. Энди у чўғ устида ўтирган одамдек, ўзини ҳар тарафга ташламай, бу таҳликали ва номаълум ҳамда туманли ва рутубатли истиқбол қаршисида ҳеч иккиланмай, теран ва

<sup>10</sup> Жўраев Н.Қ. Агар оғоҳ сен... – Т. “Ёзувчи”. 1998. 141-б.

кенг қамровли ақл-заковатига қулоқ тутиб, оқилона йўл танлади ва уни амалга оширишга киришди. Бошқача қилиб айтганда, совет тузуми ўз ҳаққини, инсоний шаън-шавкати ва нормал яшаш ҳуқуқини талаб қила бошлаган одамларнинг қудратли тўлқинига дуч келган, бу тўлқин уни ғарқ қилиб юбориши ҳеч гап эмас эди. Шу боис сохта тузум чўқаётган кимса каби “хасга ҳам, хашакка ҳам ёпиша бошлаган” бир ҳолатда эди!

Хуллас, коммунистик мафкура хоҳлайдими-йўқми, ўз гоёларини қисман ўзгартириши, иш услубининг янги шакллари излаб топиши, қисқаси, қандайдир ўзгариш қилиши керак эди. Ана шу ҳаракатларнинг маҳсули ўлароқ горбачевча “қайта қуриш” сиёсати дунёга келганини тарихан яхши биламиз. Бир қарашда, қайта қуриш сиёсати мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш борасида маълум даражада ижобий силжишларга олиб келди. Бироқ бу асл манзаранинг ташқи кўриниши эди, холос<sup>11</sup>.

Дарҳақиқат, бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Жумладан, узоқ йиллар мобайнида инсон ҳуқуқларининг чекланганлиги, сўз ва фикр эркинлигининг йўқлиги, иқтисодий тараққиётнинг жар ёқасига бориб қолганлиги, мудҳиш катагонларнинг янгидан ташкил этилиши, аҳолини доимий равишда кўрқув ва ҳадик билан яшашга мажбур қилиши – ана шу сабаблардан эди. Қайта қуриш, ошкоралик сиёсати одамларга бирмунча эркинлик берди, дейиш мумкин. Бу эркинликнинг маънавий-ҳуқуқий ҳамда сиёсий ва иқтисодий асоси бўлмаганлиги боис, у шунчаки ўткинчи ҳодисага айланди. Ҳокимиятнинг энг баланд курсиларини эгаллаган раҳбарларда эса аниқ дастурлар, мамлакат истиқболини белгилайдиган ҳамда таназзул ботқоғидан олиб

<sup>11</sup> Ўша асар. 19-б.



чиқишга қодир бўлган сиёсий идрок ва ирода, маънавий қудрат ва ички маданият, яъни донишманд давлат арбобларига мос ва хос муҳим фазилятлар етишмади.

Натижада уларнинг айримлари шаклан турлича бўлган, моҳиятан бир-бирини тўлдирадиган, устаси фаранг найрангбозларга айланиб қолишди. Ана шу найрангбозликнинг фожиали маҳсули сифатида Грузияда Тбилиси воқеалари, Озарбайжон ва Арманистонда Тоғли Қорабоғ, Қирғизистонда Ўш, Ўзбекистонда эса аввал “пахта иши”, сўнграқ Фарғона, Гулистон, Бўка ва Паркент воқеалари юзага келди...

Таъкидлаш жоизки, таҳликали вазиятнинг олди олинмаса, Республикада тўс-тўполон давом этавериши мумкин эди. Ана шундай ҳолатга ўта зийраклик ва одилона баҳо беришда Ислом Каримовнинг донишмандлиги жуда кўл келди. “Ўзбекистоннинг ҳозирги кунги ва келажакига бефарқ қарамаётган, ҳозир биз бошдан кечираётган оғир аҳволдан чиқишга ўз ҳиссасини қўшишга интилаётган барча кишилар билан ҳамкорлик қилишга ва мулоқот олиб боришга тайёр бўлишимиз зарур”<sup>12</sup>, – деди у.


Худди шундай зарурат-воқелик 1989 йилнинг 23 июнидан 1991 йил август ойи охиригача давом этгани, энг муҳими сиёсий етакчи томонидан ҳар қандай шароитда ҳам ўзбек халқининг муборак номига доғ туширилишига йўл қўйилмаслик бош омил (мотив) қилиб олинди.

Маълумки, Ўзбекистон раҳбариятининг Марказга мурожаатнома қабул қилинишининг ташаббускори ҳам Ислом Абдуганиевич эди. Бу ҳақда 1989 йил 19 августда ЎзКомпартия Марказий Комитетининг XVI Пленумида Мурожаатномадан қуйидаги сўзларни такрорладилар: “Ўзбек

<sup>12</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Ўзбекистон. 2011. 51-б.

халқининг виждони пок, Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳаминша ўзбек халқига хос фазилятлар бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исботланган”<sup>13</sup>.

Ҳурматли китобхон, 1989 йилда она тилимизга муносабат қандай ҳал бўлгани қуйидаги мақолада ифода қилинади.



<sup>13</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Ўзбекистон. 2011. 52-53-б.

## ТИЛЛАР ТАРАҚҚИЁТИ — ЭЛЛАР БИРЛИГИ, ДЕМАК

Ҳар қандай халқ, миллат учун тил — нафақат шахслараро ўзаро муносабат воситаси, балки маданий тараққиётнинг буюк ютуғи ва ифодаси, инсониятнинг кўп асрлик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожланиши тарихини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир. Шунингдек, барча маънавий кадриятлар у ёки бу тарзда тилда ўз ифодасини топади ҳамда унинг ёрдамида анланади. Ҳар бир халқ ўз туйғулари ва фикрларини она тилида ифодалайди. Билиш жараёнлари ҳам она тилида кечгандагина халқ учун мақбул ва тушунарли бўлади. Демак, она тилининг халқ ва элат турмушидаги аҳамияти бекиёсдир, яъни жаҳонда фаолият юритаётган 3 мингдан ортиқ миллий тил муаммоларини ҳал қилиш йўлларининг мураккаблиги ҳам ана шунда?

Табиийки, тилнинг ривожини учун кураш -миллатнинг гуллаб-яшнаши учун кураш демакдир. Аллома шоир Алишер Навоий бу фикрни ғоятда теран ифодалаб: “Тилга эътибор — элга эътибор” деган ҳикматни илгари сурган эди. Алишер Навоий тилнинг ривожланиши ва маълум ижтимоий функцияларни бажариши бевосита сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлар билан боғлиқ эканлигини жуда чуқур ҳис қилган. Ҳақиқатан ҳам Темурийлар даврида ўзбек тилининг ижтимоий қўлланиши кенгайди. Эски ўзбек мумтоз адабий тили шаклланди. Бунда Алишер Навоийнинг хизматлари бекиёсдир.

Улуг Ҳазрат Алишер Навоий тилнинг маданият тараққиёти ва билим олиш воситаси эканлигини яхши тушунар эди. У тилга бепарволик, яъни унда сўзлашаётган халқ учун ҳақорат эканлигига, катта зарар келтиришига амин бўлган. Мутафаккир ўз вазифасини ана шундай лоқайдликни бартараф этиш, тилнинг тубсиз бойликлари ва имкониятларини намойиш қилишдан иборат, деб биларди!?

## Ўзбек тили тараққиётига бир назар

Ўзбекистон етакчиси саъй-ҳаракати ила ўзбек тили давлат тили мақомини олди. Унинг бундай мақомга эга бўлиши ўзбек халқининг озодлик ва мустақиллик сари қўйган илк қадамларидан биридир. Тил — бу мақом берилганидан сўнг, мана 27 йилдирки, унинг ижтимоий функцияларида туб сифат ва миқдор ўзгаришлар юз бермоқда. Чунончи, тилнинг асосий функцияларидан бири таълим-тарбия ҳисобланади. Бу функция республикадаги таълим-тарбия тизимининг актив фаолият кўрсатиши билан боғлиқ. Бу тизимга мактабгача, бошланғич, ўрта, ўрта махсус, олий таълим ва ундан кейинги таълим қиради.

Аввал, мустабид тузумда ўзбек тили фақат бошланғич ва ўрта таълимда ўқитилар эди. Лекин унинг ўрта махсус ва олий таълим соҳасидаги, хусусан баъзи техника мутахассисларини (кибернетиклар, электрончилар ва ҳоказо) тайёрлашдаги функциялари чекланган эди. Ҳатто, ўрта махсус таълимда ҳам авиақурилиш, машинасозликнинг айрим турлари, баъзи бир кимёвий-технология, электрон ва компьютер каби мутахассисликлар бўйича таълим беришда ўзбек тилидан деярли фойдаланишмасди? Олий таълимда: политехника, энергетика, нефть ва газ, муҳандислик ва тиббиёт кадрлари тайёрлашда ҳам ўзбек тилининг қўлланиши чекланган бўлиб, махсус юқори курслар фанлари рус тилида ўқитилар эди.

Илмий таълимда, айниқса фундаментал ва амалий тадқиқотларда бошқа иттифоқдош республикаларнинг тиллари каби ўзбек тилининг ҳам функцияси қонунан чеклаб қўйилган эди! Масалан, ўтган асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб, собиқ СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ОАК (Олий Аттестация Комиссияси) илмий тадқиқотлар натижаларини халқ хўжалиги амалиётига жорий этиш зарурлигини рўқач қилиб, кандидатлик ва докторлик

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
ToshDO'TABXO  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

диссертацияларини СССР халқлари тилларида ҳимоялашни тақиқлаб қўйди. СССР халқлари тилларида илмий-академик журналларнинг чоп этилиши рағбатлантирилмас, нари борса, улар тилларида илмий-оммабоп ва илмий-услубий журналлар чоп қилинар эди, холос.

Ўзбек тилининг мазкур соҳалардаги функцияси ҳамда терминологияси ва сўз бирикмалари ҳам табиийки, ривожланмай қолди. Бундай якка мафкуравий ҳолат нафақат таълим ҳамда илмий тадқиқотларда, балки ҳаётимизнинг бошқа соҳаларида ҳам ҳукмрон эди!

Ҳозирги пайтда мамлакатдаги олий ўқув юртларида таълимни тўлиқ ўзбек тилида амалга ошириш вазифаси ҳал этилди. Бу борада кўпгина тадбирлар рўёбга чиқарилди. Масалан, мустақилликка эришилганидан сўнг, саноатда туб аҳамиятли ўзгаришлар рўй берди. Янги технологияга тааллуқли ўзига хос атамалар шакллантирилди. Ўзбек тили замонавий технологик тилга айланиб бормоқда. “ЎЗДЭУ-авто”, “Мерседес-бенц” каби ва бошқа хорижий кўшма корхоналарнинг ташкил этилиши ҳамда уларда технологик жараёнлар ва иқтисодий-ижтимоий, маъмурий бошқаришлар ўзбек тилида амалга оширилиши шундан далолат беради.

Ўзбек тилининг илмий соҳалардаги функцияси ҳам кенгайиб бормоқда. Агар собиқ СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Олий Атгестация Комиссиясида илмий-тадқиқот ишларини юқорида айтганимиздек, фақат рус тилида қабул қилган бўлса, эндиликда мазкур ишлар мамлакат Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ОАКга барча иқтисосликлар бўйича ўзбек тилида ҳамда рус ва инглиз тилларида тақдим этилмоқда.

Мустақилликка қадар тилимизнинг миллатлараро муомала функцияси кўп жиҳатдан чекланган эди. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган аҳолининг маълум қисми: тожиклар, туркманлар, қирғизлар, татарлар, қозоқлар,

бошқирдлар, уйғурлар, озарбайжонлар миллатлараро восита сифатида ўзбек тилидан фойдаланишар эдилар. Уларнинг кўпчилиги учун ўзбек тили таълим олиш ва касб-кор тили ҳам эди. Бугунги кунда ҳам ушбу миллат ва элатларнинг вакиллари (аҳолининг 12 фоизи атрофида) ўзбек тилида эркин сўзлашадилар ва ундан кенг фойдаланадилар. Бироқ, номаҳаллий ва ноисломий миллатларга мансуб фуқаролар ўзаро ҳамда маҳаллий миллат ва элат вакиллари билан муомалаларда асосан рус тилидан фойдаланадилар. Бугун эса улар орасида давлат тили – ўзбек тилини ўрганишга мойиллик тобора ортиб бормоқда. Шундай қилиб, ўзбек тилининг миллатлараро ва бирлаштирувчи функцияси мустаҳкамланмоқда ҳамда кенгаймоқда.

Ўзбек тилининг халқаро дипломатия ва алоқаларга хизмат қилиш функцияси, чунончи олий таълимга хизмат қилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде таълим рус ва инглиз тиллари билан бирга ўзбек тилида ҳам амалга оширилади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ўнга яқин хорижий давлатлар – Россия, Хитой, Малайзия, Италия, АҚШ, Буюк Британия олий ўқув юртлари филиалларида ҳам ўзбек тили ўқитилаётганлиги Ватанимиз рамзий тимсоли ифодасидир.

Функционал тараққиёт ўзбек тилининг таркибий тузилишига ҳам таъсир ўтказди. Хусусан, республика мустақилликка эришгандан сўнг ўзбек тилида туб таркибий ўзгаришлар кузатилмоқда. Айниқса, ўзбек тили луғати ва барқарор сўз бирикмалари мажмуидаги ўзгаришлар яққол кўзга ташланади.

Биринчидан, Совет ҳокимияти йилларида асосиз равишда рус ва ғарб терминлари билан алмаштирилган анъанавий терминлар қайта тикланди (инженер-муҳандис, химия-кимё, хирург-жарроҳ ва ҳоказо). Тўғри, бунда айрим

хатоларга ҳам йўл кўйилди. Масалан, алмаштирилаётган терминга мос бўлмаган сўзлар (география - жўғрофия, Америка - Амриқо, Европа - Овруро ва ҳ.к.) ишлатилмоқда.

**Иккинчидан,** ўзбек тилининг ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, янги атамалар таржима қилиш ёки сўз ясаш орқали вужудга келмоқда. Масалан, компьютер соҳасига оид бўлган терминлар шаблон-қолип, формат-бичим, стандарт-андоза, клавиш-тугма, лист-варақ, дискета-баркашча, загрузка-юклама ва ҳоказолар.

**Учинчидан,** халқаро замонавий атамаларни ўзлаштириш жараёни бормоқда.

Ўзбек тили сиёсат, иқтисодиёт ва маданиятга оид халқаро терминлар (кўпинча айнан таржима қилиш ёки бевосита қабул қилиш) эвазига бойимоқда. Кўп ҳолларда мазкур терминлар бозор иқтисодиёти, демократик парламентаризм, халқаро ҳуқуқ соҳаларига (лизинг, консалтинг, холдинг, аудит, консенсус, менежмент, маркетинг, супермаркет ва ҳоказо) тааллуқлидир. Бундай сўзлар ўзбек тилига Ўзбекистоннинг ғарбий ва шарқий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларининг мустаҳкамланаётгани ҳамда кенгаяётгани оқибатида кириб келмоқда.

**Тўртинчидан,** қатор сўзларнинг пассив луғат таркибидан актив луғатга ўтиши юз бермоқда. Хайрия, жамғарма, савдогар, корчалон, лицей, гимназия, коллеж, бакалавр, магистр каби сўзлар шулар жумласидандир.

**Бешинчидан,** баъзи сўз ва ифодалар янги маъно касб этмоқда. Масалан, “боқиманда” сўзи аввал давлатдан молиявий тўлов бўйича қарздорни англаган бўлса, эски мазмунига кўшимча равишда бугун “ижтимоий текинхўрлик” маъносида қўлланилмоқда. Юқорида тилга олинган ўзгаришлар тилимиз луғат бойлигининг ортиб бораётганидан далолат беради. Бироқ, тил тараққиёти мезони фақатгина луғат бойлигининг ошиши билан эмас, шунингдек, ундаги

функциялар ва бу функцияларга мувофиқ услубларнинг кўплиги билан белгиланади.

#### Тил билган – дил билади

Маълумки, Буюк ипак йўли туркий тилли ва эроний-тожик халқлари юртларидан ўтиб, минглаб қарвонлар Шарқу Ғарбга қатнаган, яхшилик, мурувватли бўлиш, дўст-биродорлик ила ҳаёт қуриш уруғини сочганлар. Улар маданиятини бирлаштирган қадим Буюк ипак йўлининг замонавий руҳи ҳақида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов шундай ёзган эди: *“Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаётган ҳамда яхшигина молиявий базага эга бўлган кўп йўналишли ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш – Европа қитъасига йўл очиб берадиган Транскавказ йўналишига эга бўлишимизга аниқ имконият яратади”*. Бугунги глобаллашув шароитида жаҳон тараққиётини бу йўналишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз орзу қилган Рим – Тошкент – Пекин йўналиши ҳам деярли ушбу халқлар юртларидан ўтади. Бу Марказий Осиё давлатлари тараққиётининг асосий йўналиши ва мезони бўлишига ишонамиз, албатта. Зеро, туркий ва тожик тилли давлатлар бирор юмушни ярим йўлда қолдириб кетмаганлар!?

Фақат туркийзабон давлатларга назар ташласак, улар 24 та бўлиб, 240 миллиондан ортиқ фуқароларни бирлаштиришини айтмоқчи эдик. Чунончи, Кавказда туркий тилли озарлар, аварлар, чеченлар, ингушлар, табасарийлар ва бошқалар умумий манфат йўлида жон-дилдан хизмат қилишини, тинчлик ва осойишталик тарафдори эканликларини алоҳида қайд қиламиз. Чунки, тинчлик, барқарорлик, озодлик бўлган жойда тараққиёт, истиқбол сари юксалиш бўлади.

Мустақиллик ғоялари Марказий Осиё давлатларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлигини таъминлаш билан бирга

маданий-маънавий яқинлиги, бирлигини ҳам равнақ топтирмакда. “Ўзбекистон – умумий уйимиз” миллий маданий ҳаракатидаги маънавий яқинлик жуда кўп истиқболли келажакни юзага келтирмакда. Ўзбекистонда Қозоғистон ва Туркменистон ҳамда Қирғизистон, Қозоғистонда эса Ўзбекистон ва Туркменистон маданияти кунлари муваффақиятли тарзда ўтди. Бу эса халқларимизни яқинлаштирди, жипслаштирди. Жаҳон ҳамжамиятида маънавий бирлик нималарга қодир эканлигини яна бир бор намоиш қилди.

Яқинда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг телефон орқали мулоқотида давлатимиз раҳбари дўст тожик халқига тинчлик, осойишталик ва фаровонлик тилади. Мулоқотда эса амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари, олий ва юксак даражада бўлиб ўтадиган тадбирлар режаси муҳокама қилинди<sup>14</sup>. Давлатларимиз ўртасида маданий алоқалар кенгаймоқда. Шу йил май ойида Тожикистонда Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари ўтказилди<sup>15</sup>. 2017 йил октябрь ойида Ўзбекистонда шундай тадбир тожик биродарларимиз томонидан ўтказилди. Яна бир жиҳати сўнгги статистик маълумотларга қараганда, тожик миллати сон жиҳатидан юртимизда иккинчи ўринда туради. Дарвоқе, 2001 йил 28 декабрда икки мамлакат ўртасида икки тилли: суви, ҳавоси, турмуш тарзи, урф-одати ва диний эътиқоди бир, эндош, дили-дилига пайванд халқларнинг Қўшма баёноти қабул қилиниб, маънавий-маърифий фаолиятимиз равнақ топмоқда. Академик шоир Гофур Ғулом таъбири билан айтганда, куда-анда, қўшни-қариндош, суварифи бир элат, ҳавоси, осмони бир халқимиз, деб таъриф берганлари – ҳозирги мустақил давлатлар ривожига ўз аксини топмоқда.

<sup>14</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 6 октябрь.

<sup>15</sup> Ўша газета. 2012 йил 17 октябрь.

Қувонч билан шуни айтиш мумкинки, тарихан шаклланган миллий маънавий маданиятлар, халқларимиз расм-русумлари, барча-барчаси яхши қўшничилик, истиқболли келажак сари қўйилаётган табиий жараёнлар деб очаси ва абадул-абад яшаш, яъни Ўзбекистон – умумий уйимизнинг мустақкам пойдевор негизининг асосидир. Тил билган – дил билади. Зеро тиллар, яъни диллар бирлиги яшнаб-яшайверсин!

Хулоса ўрнида шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бошқа Дастурлар каби тилларни тараққий эттириш, яъни Ватанимиз истиқболига хизмат қилувчи ҳамда Ўзбекистон халқларини бирлаштирувчи, муҳими республикада барқарорлик ва тинчликни таъминловчи Дастур бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан мамлакатда амалга оширилаётган ташқи ва ички сиёсатнинг, хусусан тиллар тараққиётига қаратилган тадбирларнинг нақадар самарали тарзда оқилона амалга оширилиши айтиш мумкин.

Демак, Буюк Йўлбошчимиз орзу қилган ўзбек тилига далаат мақомининг берилиши ҳамда мамлакатда истиқомат қилаётган бошқа халқлар вакиллариининг эмин-эркин ўз тилларида мулоқот олиб боришлари Асосий қонунимизда ҳам кафолатлаб қўйилган. Бу эса миллий тотув яшашимизнинг бош омили бўлиб ҳисобланади.



## ЯНГИ ЖАМИЯТНИНГ ҒОЯВИЙ-МАҒКУРАВИЙ ВА МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ АСОСЧИСИ

*Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг ўлмас зоялари, фикр, кўрсатмалари бизнинг қалбимиз ва онгимизга шундай чуқур сингиб кетганки, улар бизнинг келажак сари қатъият билан боришимизда барчамизга доимо таянч ва суянч бўлиши муқаррар.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ.*

Янги Ўзбекистон учун буюк тарихий воқеа – миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиши Мустақиллик даврининг бошланишида амалга оширила бошланди. Бу ҳол табиий суръатда кишиларнинг сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий онги шаклланиши омилларини яратди. Бироқ жамиятда юз бераётган ўзгаришлар шиддати олдида ғоявий мафкурачилар бир мунча гангиб қолишди. Чунончи турли сафсаталар, хатти-ҳаракатлар, ғоявий курашлар, “хонаки” ва ажнабий сиёсатдонлар кўпайиб кетди. Ана шундай пайтда умумхалқ ва умумдавлат манфаатларига мос келадиган энг мақбул ғоявий-мафкуравий йўлни танлаш, бунинг учун эса мафкуравий яккахокимликка барҳам бериш зарурати турар эди.

Айтиш жоизки, маънавий-руҳий чанқоқликни қондира оладиган етук ва баркамол ғояни яратиш зарур эди. Масаланинг яна бошқа муҳим томони жоизки, бевосита узок йиллар мобайнида ҳукмрон бўлган ғоя ва ақидалардан халос бўлиш, унинг бир ёқлама, ҳавойи, баландпарвоз даъватларидан воз кечиш каби оғир, аммо вақт талаб этадиган жараёнлар юзага келди! Энди тафаккур тарзи ва

қарашларни тубдан ўзгартириш учун ўша даврнинг бош мафкураси – Коммунистик партия ғояларидан мутлақо воз кечиш, яъни янгилаш, тубдан ўзгартириш, қолаверса, бутунлай замон талаблари ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган ғоявий мафкурани яратиш ва ишга солиш лозим эди.

Маълумки, мустақил давлатнинг ўз ғоявий мафкураси асосларини яратиш борасида бебаҳо тарихий ҳужжатга айланган Ислом Каримовнинг 1991 йил 31 августдаги “Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади” номли нутқида: “Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан унинг ҳудудида яшовчи бирон-бир фуқаронинг миллатига қараб камситилишига йўл қўйилмаслигини яна бир қарра ишонтириб айтишни ўзимнинг Президентлик бурчим деб биламан.

Республикамизда истиқомат қилувчи барча миллат вакиллариининг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза этиши, уларнинг маданияти, миллий урф-одатлари ривожланишига, она тилида сўзлашиши ва ўқишига барча шароитларни яратиши учун бор имкониятлар ишга солинади.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати – инсонийлик, эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади”<sup>16</sup>, – деб таъкидлади.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон миллий мустақиллигининг ташкилотчиси ва ташаббускори, айна ҳақиқатда асосчиси ва меъмори Ислом Каримов биринчилардан бўлиб, жамиятда маънавий покланишни амалга ошириш, эски ақидалардан ҳоли бўлиш зарурлигини зукколик ва зийраклик билан англаб етди ва янги миллий мафкура яратиш лозимлигини куннинг долзарб масаласи

<sup>16</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида – Т., 2011. Б.403-404.

килиб кўйди. И.А.Каримов 1991 йил 14 сентябрда “Ўзбекистон Компартияси XXIII съездида шундай фикрни баён қилди: “Биз маданий инқилобнинг ғалабаси ҳақида гапирмоқдамиз, Маданият ва санъат эса ҳозир оғир тангликка дучор бўлган. Бу мафкуравий зулумнинг оқибатидир. Партия шу йиллар мобайнида “социализмнинг асосларини бунёд этиш”, “кенг кўламда коммунизм”, “ривожланган социализм” куриш билан машғул бўлиб кетаверди”...

Ислом Каримов бор ҳақиқатни танқидий таҳлил қилди: “Коммунистик партия босиб ўтган йўлни таҳлил этиш ва унга баҳо беришдан мақсадимиз шуки, ҳар бир киши энди ниҳоят кўзни катта очиб, турмушга разм солсин. Мафкуравий ақидалардан воз кечсин, ҳақиқатга рўй-рост қарасин”<sup>17</sup>.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллигимизнинг икки ҳафталик давридан кейин Президентнинг ушбу кўрсатмаларини бажара бориб, мафкуравий ақидалар ҳамда сафсатабозликка бўйсунадиган, инсон, халқ, жамият манфаатларига путур етказаётган сиёсий мафкуравий ва давлат тизимларидан дадил воз кечила бошланди. Ижтимоий адолатни, хавфсизлик, ижтимоий муҳофазани, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни таъминлашга кафолат бериш талаби муҳим аҳамият касб эта бошлади. Мана шундай заминдаги халқ, ҳар бир оила, ҳар бир шахс ўз эътиқоди ва ғоясига кўра бахтли яшашга ҳақлидир. Мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида бирлашиш, кучларни уйғунлаштириш, барча имкониятлардан эҳтиросларга берилмай ақлидрок билан фойдаланиш йўли тutilди.

1992 йил 2 ва 3 июлда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясидаги

<sup>17</sup> “Инсон ва сиёсат” журнали. 1991 йил. 2-сон, 19-бет.

маърузада Президент бозор муносабатларига ўтишда муқаррар тарзда ижтимоий онг ва ижтимоий руҳият масаласига алоҳида катта эътибор қаратди. Тараққиётнинг янги даври кишиларида янги тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш зарурат эканлигини таъкидлади. Ўз фикрини ривожлантириб: “Бугунги кунда ҳам халқни яқдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло ҳор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!”<sup>18</sup> – деган ҳаётий ғояни ўртага ташлади. Шунингдек, республика раҳбари аввалги яккахукмрон мафкура мулкка муносабатда эгасизлик тушунчаларини кишилар онгига сингдириб келганини, у тадбиркорликка йўл бермаслигини таъкидлади<sup>19</sup>.

Биринчи Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли асари (1992) республикада яратилажак миллий истиқлол мафкураси учун назарий асос ҳамда маънавий ҳаёт учун йўл-йўриқ бўлди. Асарнинг “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” деб аталувчи бобида Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг ўз йўли – тўртта негизга асосланиши, яъни:

– умуминсоний қадриятларга содиқлик;

– халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

– инсон ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши;

– ватанпарварлик тамойиллари истиқлол мафкураси учун асос бўлувчи қоидалар сифатида кўрсатилиб берилгани ҳам ушбу фикримизнинг тасдиғидир.

<sup>18</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. Ўзбекистон. 1993 йил. 14-б.

<sup>19</sup> “Ўзбекистон овози” газетаси, - 1992 йил 3 июль.

Дарҳақиқат, Биринчи Президент бу тамойилларни ишлаб чиқишда халқ дунёқарашини, яшаш тарзини, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини, қолаверса унинг маънавий-руҳий омилларига асосланган. Чунки шарқда азалдан маънавиятга таяниб яшаш, комилликка интилиш, ҳар томонлама баркамоллик олий қадрият ҳисобланган. Уларнинг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, ягона ўлчов – ҳазрати инсонни улуглаш, инсон деган муқаддас номга муносиб бўлиш бош мезон қилиб олинган.

Дарвоқе, ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олмасан, тараққиёт асослари унинг маънавий қадриятларига, моддий манфаатларига мос келмасан бундай жамият таназзулга учраши мумкин. Демак, Улуғ ва Буюк зот Исломо Каримов ўз мамлакатини истиқболли ҳақида фикр юритган экан, *“Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янглашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришига эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир”*,<sup>20</sup> – деган эди.

Албатта, шу ўринда мафкурасизлик – эътиқодсизликка, у эса ҳар кимнинг ўзича яшашига, кўнгил тусаганича кун кўришига, ҳаёлига келган иш билан шуғулланишига олиб келади. Бу яқка-яқка шахсларнинг хатти-ҳаракатидан бутун жамият маънавий-руҳий қиёфасининг қай тарзда шаклланишига сабаб бўлади. Бир сўз билан айтганда, бошбошдоқлик бошланади. Демак, ғоявий мафкурасизлик охир-оқибатда

одамлар онгида манқуртлик, қалби ва феъл-атворида андишасизлик ҳамда ўзлигини англамаслик хислатларини чуқурлаштиради, маънавий-руҳий жамиятда эса парокандаликни, беқарорлик ва қиёфасининг қашшоқлашишини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, одамлар ҳаётида файз-тароват қолмайди! Шунинг учун, умумий мафкуравий ғоя атрофида бирлашиш, умумманфаат йўлида курашиш мақсадлар яхлитлигини, интилишлар уйғунлигини кўрсатади. Бу ўзбек халқи учун азалий фазилат, анъонага айланган муқаддас одатдир.

Мустақилликка эришилгандан кейинги ўтган икки йиллик тажриба республикамиздаги барча фуқароларнинг миллати, сиёсий ва ғоявий қарашлари ҳамда диний эътиқодларидан қатъи назар, истиқлолни мустақамлашга чорловчи ғоялар мажмуасидан иборат ўзига хос миллий мафкура тамойилларини яратиш зарурлигини кўрсатди. Шу сабабли Президент Исломо Каримов 1993 йилнинг 23 апрелида бир гуруҳ адиблар билан бўлган учрашувда ана шундай мафкура яратиш зарурлигини таъкидлади. 1993 йил 6 майда мамлакат Олий Кенгашининг XII сессиясида қилган маърузасида Президент мафкурасиз, аниқ йўналишга эга бўлган ғояларсиз тараққиёт бўлмаслигини таъкидлаб, *“олдимизда турган энг муҳим масала, бу – миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда тадбиқ этишдир”*<sup>21</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда (1993 йил, 7 декабрь) Биринчи Президент Исломо Каримов нутқ сўзлаб, миллий мафкурани миллий эҳтиёж даражасига кўтарди. Барчанинг диққат-эътиборини ана шу муҳим масаланинг ҳал этилишига қаратди: *“Мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалда тадбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб*

<sup>20</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т. 1993. – 74-б.

<sup>21</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т. 1993. – 168-б.



берган мақсадларга эришиши, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериши мушкул бўлади. Янги мафкурунинг асл мазмуни – янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо ҳоли, мустақил инсонни тарбиялашдир”<sup>22</sup>, – деб таъкидлаган эди. Умуман олганда, фикримизни, дунёқарашимизни ўзгартирадиган бу муҳим масалада тезроқ сўздан амалий ишга ўтишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Миллий мафқурани онгимизга сингдирувчи амалий дастурни ишлаб чиқиш зарур эди. Биринчи Президентнинг бу кўрсатмаси асосида Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларида, олий ўқув юртиларида, ижодкор зиёлилар, уюшмаларида семинарлар, йиғилишлар, конференциялар, давра суҳбатлари ўтказилди, концепциялар ишлаб чиқиладиган бошланди. Чунончи, Фанлар академияси бу борада ўз қарашларини ишлаб чиқди ва “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналида эълон қилди<sup>23</sup>.

Мустақиллик – мустақил яшаш, мустақил фикрлаш, мустақил интилиш имкониятидир. Бу бевосита онг ва тафаккур билан боғлиқ бўлган, доимий ривожланиб, шаклланиб борадиган ҳаракатдаги ҳодиса. Миллий истиқлол мафқураси айна шу мустақил фикрлаш маҳсули, онг ва тафаккур ҳосиласи ҳисобланди. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, академик файласуф Жондор Туленов шундай қайд қилган эди: “Миллий онг – миллий маданиятнинг таркибий қисмидир. У миллий маданият ривожланишининг чўққисидир. Миллий онг – миллий маданиятнинг миллат манфаати, миллат истиқболи, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг инсон онгидаги инъикосидир”<sup>24</sup>.

<sup>22</sup> Халқ сўзи. 1993 йил 8 декабрь.

<sup>23</sup> “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали. – 1994. №2.

<sup>24</sup> Туленов Ж. Мустақиллик ва миллий тикланиш. – Т., 1996. – 233-б.

Дарҳақиқат, миллий онг таъсирида миллий ғоялар яратилади. Ана шу ғоялар асосида ғоявий-мафқуравий ва маънавий-руҳий дунёқараш шаклланади ҳамда ривожланади. Демак, Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва юксалтириш ҳақидаги сиёсий, ҳуқуқий, илмий, назарий, тарихий, социологик, фалсафий, бадиий ва диний қарашлар мажмуаси, халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи ғоявий курул, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий-руҳий омил ҳисобланади.

Мухтарам Биринчи Президент “*Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қилсин*” номли рисоласида қайд қилди: “*Мафқура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафқура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан қаердаки мафқуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафқура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин... Миллий мафқура одамларнинг минг йиллар давомида шакланган дунёқараш ва менталитетига (тафаккур тарзига) асосланган. Шу халқ ва миллат келажакни кўзлаган, унинг дунёдаги ўрнини аниқлашдан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кунини боғлайдиган ғоядир... Бугунги халқро ҳаёт – кишилик тараққиёти босқичидан ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳияти, илгор фикр, технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади, деган фикрни айтиб, буюк Амир Темурнинг “Куч – адолатдадур” деган таъбирига таяниб, “Куч – билим ва тафаккурда”, деган бўлардим”<sup>25</sup>.*

Буюк Йўлбошчимиз ғоявий мафқуранинг асосий моҳияти сифатида қуйидагиларни эътироф қилган эди:

– *халқимизнинг азалий анъналарига, удумларига, руҳиятига, тилига, динига мос ғоялар асосида одамлар онига*

<sup>25</sup> “Ўзбекистон матбуоти” журнали. 1998. №5,3,7,9-бетлар.

келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маънавият ва маърифат туйғуларини сингдириши;

– ушбу мафкура орқали халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятининг илгор давлатлари орасида тенг ҳуқуқли ва муносиб ўрин эгаллашга интилиш ҳиссини тарбиялаш;

– соғлом, маънавий бой, комил авлодни шакллантириши;

– мафкура негизини эса ватанпарварлик, эркинлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, байналмилаллик каби хусусиятлар таъкил этади.

Хуллас, Биринчи Президент Ислом Каримовнинг асарларида илгари сурилган қоида ва қарашлари дастлабки йилларда ижтимоий ва маънавий ҳаётда юз берган ғоявий-мафкуравий бўшлиқни тўлдирди, миллий истиқлол мафкурасининг назарий заминини яратди. Қолаверса, жаҳон миқёсида мафкуравий манзаралар ҳаракати назарияси ва амалиётига муносиб ҳисса қўшди. Миллий ифтихор туйғуси – ўз миллий мансублигидан фахрланиш имконияти. Миллий ифтихор туйғуси ўз миллий бой тарихидан, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш салоҳияти. Миллий ифтихор туйғуси – ўзлигини англаш ва ўзлигини асрашга ўзини-ўзи даъват этувчи улкан маънавий қудрат. Бироқ унга ортиқча хирс қўйиш миллий худбинликка, миллий маҳдудликка олиб келади, бора-бора миллий калондимоғликдек ўта хавfli ва юқумли касалликка айланади. Буни биз жаҳондаги мафкуравий қарашлардан яхши биламиз.

Миллатга мансублик ўта нозик ва айни пайтда жуда мураккаб ҳолат. Киши зарур бўлганда ўз ҳаётидаги жамики неъматлардан ҳеч оғринмасдан воз кечиши мумкин. Бу кимларнингдир таъсирида юз берадиган мураккаб ва зиддиятли маънавий-руҳий фожеа. Бироқ ҳеч ким, ҳеч қачон

миллий мансублигидан тонолмайди. Уни хоҳлаган пайтида хоҳлаганча ўзгартиролмайди. Чунки миллатга мансублик ҳислари тириклик ва мавжудлик билан боғланиб кетган неъмат. У инсоннинг қон-қонига, минг бир хужайрасига сингиб кетганки, вужуд билан бирга яшайди ва вужуд билан бирга йўқ бўлади. Буни англамаганлар ғариб ва бечорадир. Буни ҳис қилолмаганлар сўқир, маънавий кемтик кишилардир. Бошқача эмас. Аммо миллатга мансублигидан фахрланиш ва миллий ифтихор туйғулари билан миллатчилик, миллий ҳис-туйғуларга ортиқча йўл бериш хирси бошқа-бошқа, бир-бирига зид нарсалардир. Улар ўртасида маърифат ва жаҳолат, садоқат ва қабоҳат каби бир-бирига қовушмайдиган, аксинча, бир-бирини маъв этишга интилиб яшайдиган бедодлик ҳам мавжудлигини таъкидлаган эди мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Шундай қилиб, давлат ва сиёсат арбоби И.А.Каримов ўзининг теран фаолияти давомида ғоявий-мафкуравий ва маънавий-руҳий тамойилларга катта эътибор берди. Яъни, миллий тараққиётимизни юксалтирди, жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ривожланишнинг янги тамаддунига тамал тоши қўйган ҳолда улуг ислоҳотчи сифатида майдонга келди. Давлатимиз бошлиғи Ш.М.Мирзиёев ҳақли равишда: “Улуг Юртбошимизнинг бизга қолдирган бебаҳо мероси, ўлмас ғоя ва дастурлари йўлимизни нурафшон қилиб, доимо мададкор бўлади”<sup>26</sup>, – деган фикрлари мамлакат тараққиётининг бош ғоявий-мафкуравий ва маънавий-руҳий омилини ташкил қилади ҳамда Ҳаракатлар стратегиясининг амалий фаолиятида муҳим роль ўйнайди.

<sup>26</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., Ўзбекистон. 2017. – 22-б.

## ХАЛҚЧИЛ ТАЪЛИМОТ

*Биз мустақиллигимизнинг дастлабки ишларида мамлакатимизда тотувлик ва осоийишталikka эришишни ўз олдимизга энг олий мақсад қилиб қўйган эдик. Чунки халқ билан тил топмасдан бу кунларга етишиши қийин бўларди. Бизнинг ютугимиз шундаки, қийинчиликлар вақтинча эканини тушунадиган, чидамли, ақлли, катта-катта ишларга қурби етадиган халқимиз бор. Бундай халқ билан ҳамма эзгу мақсадларга эришмоқ мумкин.*

*Ислом КАРИМОВ.*

Жаҳон фани ва сиёсий жараёнлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ўзига хос таълимоти билан муносиб ҳисса қўшган шахснинг роли ва аҳамияти ҳақида гапириш, фикр юритиш осон эмас. Бироқ кўз олдинда, мамлакат ривожига ўзгаришлар бўлаётган, халқ фаровонлиги йўлида зарурий йўл-йўриқлар амалга оширилаётган бир пайтда, албатта, уларни йўналтирадиган илмий-назарий ва таҳлилий ҳамда амалий жараёнлар, бир сўз билан айтганда, бутун бир таълимот бўлиши шартлиги аён бўлиб қолди. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, Республикамизда мисли кўрилмаган тарихий ўзгаришлар содир бўлаяптики, буни бир лаҳзалик деб бўлмайти. Балки бутун бир таълимот — концепциянинг илк, дастлабки натижаларидир. Энг аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг 1991 йил 31 августда Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикасини мустақил деб эълон қилиши тарихда зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак! Шу кундан Ўзбекистонда янги таълимот — концепция вужудга келди.

Хўш, бу таълимот мамлакат учун умуман жаҳон тараққиётга ўз ҳиссасини қўшдими? Бу борада қандай янги йўналишлар вужудга келди?

Даставвал, бу — мустақиллик таълимоти. Шу бир оғиз сўз учун не-не замонлардан буён халқимиз курашиб келмади, дейсиз. Миллий давлатчилик — Ислом Каримов таълимотининг ўқ томирини ташкил этади. Соҳибқирон Амир Темур ва ўнлаб, юзлаб ота-боболаримиз жаҳон тажрибасига таяниб, давлат ва унинг ўз модели учун — бугунги тараққий этган даврга мослаб таълимот яратиш — Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос йўли тамойилларини ишлаб чиқиш масаласи катта ва мураккаб жараёндр.

Бу эса дастлабки ўзгаришнинг асосийси — Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз йўлини топганлигидир.

Мустақилликни мустаҳкамлаш ва ислохотларни ҳаётга тадбиқ қилиш қатъий ва барқарорлик билан амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилида Юртбошимиз, яна 3-4 йилда дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлади, ислохотлар халқ фаровонлигини таъмин қилади, дея ниҳоятда оқилона башорат қилган эдилар.

Жамият аҳли учта нарса билан ўз истиқлоли, озодлиги ва эркинлигини мустаҳкамлайди: *дастурхони тўкин-сочин, уст-боши бут ва яшаш тарзи барқарор бўлса.* Ундай жамият фақат олға дадил қадам ташлайди. Худди шундай Ўзбекистон жамияти барпо бўлибдики, бунга кўз тегмасин. Марказий Осиё ва Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари ўртасида ўз модели билан равноқ топаяпти.

Президентимиз Ватан, миллат, миллий гурур, шахс ҳақида тиниқ ва бетакрор фикр юритади. Ҳар бир айтилган, битилган жумлада истиқлолнинг истиқболини тараннум этади. Она-Ватанга шахснинг, ўзбекистонликларнинг саждагоҳдай нигоҳ билан қарашлари акс этади. Ислом

Каримов жамият тараққиёти: “халол, пок, илмли, юксак маданиятли, миллатнинг рамзига айланадиган кадрлар”га боғлиқ эканлиги ва улар ўз маънавияти ҳамда эътиқод, садоқатлари билан миллий заминда мустақкам тура олишларига кафолат беради. Бундай ниҳоятда теран ҳаётий фикрлар Юртбошимизнинг салоҳияти ва юксак савиясидан келиб чиқади.

Президент Ислом Каримов “Озодлик” радиоси мухбирига: “Мен айтадиган биринчи ва асосий гап шуки, Ўзбекистон мустақил бўлган кундан бошлаб сиёсат, иқтисод, маънавият соҳасида ўзининг мақсад – режаларини аниқлаб олди, тамойилларини ишлаб чиқди”<sup>27</sup>, – дея қатъий бир бутун, бир таълимот нуқтаи назаридан жавоб беради.

Биринчи бўлиб, 1990 йил март ойида Президентлик олий бошқарув тизимини олиб кирган, Ўзбекистонни мустақиллик сари дадил одим ортирган ҳам Ислом Каримов бўлди. Шу йил 20 июнда биринчи бўлиб, Мустақиллик Декларациясини – Конституциямиз, миллий Қомусимизнинг негизини қабул қилишда жонбозлик кўрсатган ҳам Республика раҳбари эди.

1991 йил эса икки – бир-биридан ҳам ўта аҳамиятли тарихий воқеалар силсиласи давом этдики, ўзбек халқини бутун жаҳон тан олди. 1 сентябрь Ўзбекистон жаҳонда тенглар орасида тенг давлат деб тан олинди. 29 декабрда халқ сайлови йўли билан биринчи бўлиб халқининг севимли Президенти – Ислом Каримов сайланди. Бу илк, ўзбекона халқчиллик (демократия), тангилик, ошкоралик сайлови эди.

Биринчи бўлиб, Ислом Каримов номи билан боғлиқ жаҳоншумул тарихий воқеа – 1992 йил 2 мартда – БМТ биносида ўзбек байроғи ҳилпиради.

<sup>27</sup> Халқ сўзи. – 1996 йил 13 июль.

1992 йил 8 декабрда Конституциямиз қабул қилинди.

...Ўшанда илк бор давлат аҳамиятига молик дадил қадам отди ўзбек халқи. Куёшли, латофатли қиш кезиб юрса-да, (8 декабрь) соф, истикболли диёримизда, гўё Наврўзи олам хабарчиси, янгиликнинг абадий элчиси – қалдирғоч кўкда абадий учиб юргандай! У эндиликда абадул-абад Ўзбекистонимизни олға – жаҳоннинг илғор мамлакатлари қаторига элтувчи элчига, хабарчига айланажак! Ўзбек Конституцияси ўз моҳияти, эътиборига кўра, ҳурматли ва жасоратли Президентимиз номи билан биринчи бўлиб қолади.

Ислом Каримовнинг беш тамойили – бу жаҳон иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий, маърифий тараққиётига қўшилган нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамияти ривожига ҳам муносиб ўрин оладиган ўзига хос, ўз йўлини топган, кўплаб, жумладан Украина, Белоруссия, Голландия ва бошқа давлатлар ҳам тан олган таълимотдир.

Ислохотнинг янги шакллари – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўз йўли, босқичлари, маҳаллий талаблари, қўшма корхоналар, эркин савдо, фермерлик тизими, миллий банклар ривожига ва бошқалар инфраструктураси учун янги йўл-йўриқ ва йўналишларидир.

Бундай йўналишлар, яъни Ўзбекистонда ўзига хос иқтисодий таълимот Ислом Каримов раҳбарлигида изчиллик билан давом этди ва ўз натижасини бермоқда. Ўзбекистон раҳбарияти Президент Ислом Каримов бошчилигида иқтисодий барқарорликни таъминлашга эришди. Жамоатчилик куч-ғайратини бирлаштирди ва уни қийинчилик ҳамда муаммоларни бартараф этишга, ишлаб чиқилган ислохотлар йўлини босқичма-босқич амалга оширишга сафарбар этди.

Ўзбекистоннинг ўзи танлаган янгланиш ва тараққиёт йўлида, шу жумладан иқтисодиётда ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Ишлаб чиқариш ва турмуш даражасини

МДХ таркибидаги ҳамма мамлакатлар бошига тушган пасайиши Ўзбекистонда арзимас даражада бўлди. 1990-1995 йиллардаги ялпи маҳсулот ҳажмини солиштириш шу даврда Ўзбекистонда юз берган пасайиш Россия ва Белоруссияга нисбатан икки баробар, Қозоғистон ва Украинадагига қараганда тўрт баробар кам бўлганлигини кўрсатади. Бугунги кунга келиб эса иқтисодий юксалиш аломатлари тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда. Чунончи, 1995 йилда саноат ишлаб чиқаришдаги ўсиш 0,2 фоиз, қишлоқ хўжалигида 2,3 фоиз, инвестицияда 2 фоиз, ташқи савдо оборотида 13 фоиз, туризмдан олинадиган даромадда 20 фоизга тенг бўлди<sup>28</sup>.

Тарихий тараққиётга “Ўзбек модели” ёки “Каримов йўли” бўлиб кирган ислоҳий-инқилобий ўзгаришлар эндиликда ўз белгиларига эга.

Ўзбек модели ҳозирда жуда ҳам қиррадор ҳодисага айланган. Президент ўз сўзида унинг икки белгисига кенгроқ батафсилроқ тўхталиб ўтди.

Ўзбек моделининг биринчи асосий белгиси: Ислохотларни босқичма-босқич ўтиш ва амалга ошириш: Иккинчи муҳим белгиси: Халқ манфаатлари йўлида кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш назарда тутилади.

Хулоса шуки, Ўзбекистоннинг ташқи-ички сиёсатини жаҳон ҳамжамияти эътироф этяпти, қўллаб-қувватляпти. Ватанимизнинг обрўи ошмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро обрўи, миллати, эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг юрагини фахр-ифтихор туйғулари билан тўлдирди. Келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

Миллий тикланиш мафкураси бугунги Ўзбекистоннинг энг янги ва жаҳон мафкурасига қўшилган муносиб таълимотидир. Дарҳақиқат, собиқ КПССнинг фожиаси ўлароқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қайд

<sup>28</sup> Халқ сўзи. – 1996 йил 24 июль.

қилинганидек, якка ҳокимлик мафкураси ҳамда давлат мафкураси, яъни зўрлаш мафкураси бўлмай, халқ учун, унинг келажаги учун хизмат қиладиган ғоя ва назарий-амалий қарашлар ҳақидаги яхлит таълимот зарур эди. Ислом Каримовнинг: “Миллий ғурури, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди”, – деган акидасини миллий тикланиш мафкураси ўзига асос қилиб олди.

Ўзбек миллий тикланиш ғояси ва ғурурини биринчи марта жаҳон тафаккурига олиб чиққан, яъни таълимот яратган Юртбошимиз мустақиллигимизнинг ҳали бир ойи тўлмай турган, атроф-муҳит, собиқ СССР парчаланиш арафасида бўлса-да, тишини ғичирлатаётган бир пайтда ўзбекларнинг биринчи халқаро учрашувини 1991 йил 24 сентябрда ўтказдилар. Учрашувга жаҳонда 25 миллионга яқин яшаётган ўзбеклар вакиллари – Америко, Олмония, Афғонистон, Сурия, Саудия Арабистони, Австралия, Туркия, Йордания ва бошқа давлатлардан ташриф буюрдилар.

Президентимиз баралла: “Улуғ ўзбек халқи, бутун туркистонликларга хос олижаноб фазилатлар ва ватанпарварлик анъналарига муносиб бўлайлик. Ўзбекистонимиз чинакам эркин ва озод жумҳурият бўлади. Юртимиз жаҳон тараққиётига бағир очиб маърифат ва иймонни ардоқловчи, одам қадри-қимматини эъзозлайдиган юрт бўлади. Мен шунга ишонаман ва сизни ҳам ишонингизга чақираман”<sup>29</sup>, – деганларида мутлақо ҳақ эканликлари дориламон беш йилда анча бўй кўрсатди. Ўзбек ўзбеклигини, ўзлигини намоён қиляпти. Иймону эътиқоди, миллий ғурур ва туйғуси буюк аجدодларимиз мероси маънавий куч-қувват бўлиб, олға бошламоқда.

Ўрта асрларда Турон заминиде вояга етиб тафаккури ҳамда ғурури билан ўзбек миллий тикланиш ғоясига асос

<sup>29</sup> Халқ сўзи. – 1991 йил 25 сентябрь.

солган Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ал-Бухорий, ат-Термизий, Амир Темур, Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Шайбонийхон, Бобораҳим Машраб каби боболаримизнинг пок руҳлари олдида таъзим қиламиз. Уларнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади. Ўзбек халқининг буюк давлат куришида жаҳон айвонида туриб, ўз иймону руҳлари билан қўллаб-қувватлайдилар.

Ватан туйғуси! Бундай тушунча минг йиллардан буён мавжуд ва халқимиз, жаҳон халқлари ўзларича талқин қилиб келишмоқда ва ҳаётгий ақидага айлантирган ҳоллар мавжуд. Бу туйғу Ватан уруши, миллий озодлик ҳаракати, миллий мустақиллик учун кураш даврларида яққол намоён бўлади. Бунга юзлаб, минглаб, мисоллар келтириш мумкин. Бундай муқаддас туйғуга Ислому Каримов алоҳида шакл-шамойил берди, мазмун-мундарижасини бойитди. Ваҳоланки, Ватанга меҳр, муҳаббат, садоқат рамзи, уни онадек аллалаш, севиш туйғуси остонадан, овул-қишлоқдан бошланади. Ислому Каримов Ўзбекистонни улуг ва буюк Ватан – жаҳоннинг порлоқ дарчаси сифатида Фарбу Шарққа намоёниш қилаётир.

Ватанни севишни элим деб, юртим деб ёниб яшаш кераклигини, шу азиз Ватан (Ўзбекистон) барчамизники эканлиги каби ақидаларни ҳам Ислому Каримов сингдирди. Зеро, Ватан, мамлакат ишқида, унинг келажаги учун бутун борлигини бағишлаш руҳида яшаш ҳар бир ўзбекистонликнинг виждоний бурчи ва иймонидир. Ахир, бутун миллий мустақиллик мафкурамизнинг бош омили, шиори ҳам Ватанни саждагоҳ каби эъзозлаш, унинг ҳар бир қарич ери, бир сиким тупроғини тўтиё каби муқаддас ардоқлай билиш, зарур бўлганда жонини ҳам фидо қилишдир. Демак, Ислому Каримов минг йиллардан буён эъзозланиб, ардоқланиб ва

муқаддас бўлган Ватан тушунчасига ўзининг қадрли ҳамда қимматли фикрлари билан таълимот тусини берувчи яктан ва аниқ хулосалар, яқунлар билдиради.

Ислому Каримов жаҳон тарихи майдонида тарихий ҳақиқатни қарор топтирадиган, тарихнинг орқага қайтиши мумкин эмаслигига қатъий ишонган ва халқини, қолаверса, Марказий Осиё давлатлари халқларида ҳам ўз давлати ва келажаги учун жон куйдиришга, ҳатто керак бўлса, жонини ҳам фидо қила оладиган инқилобий курашчи сифатида намоён бўлмоқда.

Орқага қайтиш мумкин эмас. Бу иборанинг ўзи ҳам собиқ СССРни тиклаш мумкин эмаслигига ва фақат истиқбол учун, Ўзбекистон келажаги учун кураш, уни жаҳон ҳамжамиятида буюк давлатга айлантириш – бу Ислому Каримов шиоригина эмас, балки бутун бир таълимотдир.

Ислому Каримов таълимоти асоси ва негизини демократик жамият ва давлат тузилмалари, мустаҳкам бозор ва ҳуқуқий, қонунчилик меъёрлари шаклланган ҳамда уларни изчил амалга оширувчи механизм ва инфраструктуралари мавжуд буюк мамлакатни барпо қилишни ташкил қилади.

Президент таълимоти – халқ учун, ўзбекистонликлар учун, улар келажаги учун. У қайд қилади: *“Бизнинг энг катта бойлигимиз – тикланиш, ислоҳотлар ва янгилашишлар йўлидан дадил бораётган оққўнғил, меҳнаткаш, меҳмондўст ва мағрур халқимиздир”*<sup>30</sup>.

Президент Ислому Каримов миллий давлатимиз йўлбошчиси, буюк ислоҳотчи, демократ халқпарвар, маънавият ҳомийси, жаҳон тан олган давлат арбоби, йирик сиёсатчи, ватанпарвар шахс сифатида майдонга келди.

Хулоса қилиб айтганда, Ислому Каримов ўтиш даврининг мураккабликлари-ю, барча зиддиятларини ниҳоятда жасурлик

<sup>30</sup> Халқ сўзи. – 1996 йил 25 апрель.

билан, беқиёс ирода ва тафаккур кучи билан енгиб, бир бутун таълимот яратиб миллион-миллион кишилар қалбидан мустақкам ўрин олди. Бу эса миллат ва мамлакат тарихи билан муштарақликнинг ёркин намоишидир.

*“Меҳнат” – Ўзбекистон Республикаси  
Меҳнат вазирлигининг газетаси.  
1996 йил 20 август.*



## ХАЛҚ СЕВГАН ПРЕЗИДЕНТ

*Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи раҳбари сифатида 1989 йил юндан иш бошлади. Мухтарам зот “шунчаки, бир челақ кулупнайдан чиққан жанжал” – Фаргона – Қувасой – Тошлоқ – Қўқон – Паркент – Бўка воқеаларини жуда зукколик ва миллатлараро музокара – келишув йўли билан ҳал этди. Ўзбек миллати мустақиллигига ўша кунлари тамал тоши қўйилган эди, десам муболага бўлмас. Миллат кўзгуси – ўзбек тилига Давлат мақомини берди. Ҳеч қачон 1989 йил 21 октябрь Ўзбек миллатининг ёдидан кўтарилмайди.*

*Миллатни миллат қиладиган ўқ томир – Тилга давлат мақоми берилгач, орадан рона-роса беш ою уч кун ўтгандан сўнг, Республика Президенти (1990 йил, 24 март) лавозимини жорий қилди ва ўзи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида Президент бўлиб сайланди.*

*Орадан кўп ўтмай, шу йил 20 июнда Мустақиллик Декларациясини қабул қилишнинг ташаббускори бўлган ҳам Ислом Каримов эди. Бир йилда учта йирик ижтимоий-сиёсий ҳодиса содир бўлдики, бу – хурлик, эркинлик ва миллат мустақиллиги шабадаларидан далолат, у ёруғ ва ойдин куннинг унчалик узоқ эмаслигидан огоҳлик эди.*

*Баъзи сиёсатдонлар, Мустақилликкача бўлган Ўзбекистоннинг икки-уч йиллик тарихини яхши билмайдиганлар, гўё 1991 йил 31 августда Ислом Каримов, дабдурустдан Биринчи сентябрни Мустақиллик кунини деб эълон қилган, дейишади. Аслида-чи? Ҳар бир бошланиши лозим бўлган ишнинг сабаб ва оқибати ҳамда моҳияти, тарих тили билан айтганда, этногенези бўлади. Мана шу ўринда, кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланган, ҳозир тарих*

мулкига айланган “Ислом Каримов жасорати”, деган – 1991 йил 31 августдаги Мустақиллик куни эълони Ўзбекистон Республикасининг навбатдан ташқари Олий Кенгаши сессиясида ўз-ўзидан айтилмаганини эътироф қилмоқчи эдим. Биринчи раҳбарнинг икки йилу икки ойдаги жасорати ва таъбир жоиз бўлса, қаҳрамонлиги – Фитрату Чўлпонлар, Бехбудийу Мунаввар Қорилар, Абдулла Қодирийу Усмон Носирлар орзу қилган Хуррият – Мустақилликни ўзбек халқига қайтариши, уни жаҳон ҳамжамиятига олиб чиқиши бўлди. Бундан-да ортиқ жасорат ва қаҳрамонлик, мардлик ва танглик борми жаҳонда?!

Мамлакат обрўси бўлган Президент Ислом Каримовнинг ўйлаган режалари 1989-1991 йилларда шаклланиб, ҳатто такомиллашиб етилганини тарихнинг ўзи кўрсатди. Кўз олдингизга 1991 йил 29 декабрни келтиринг. Фуқаролик асосида биринчи бор Президентлик сайловида Ислом Каримов ғалабаси. 1994 йилда мамлакат бўйича умумхалқ референдуми ўтказилиб, халқнинг Йўлбошчимизни юз фоиз қўллаб-қувватлаши ва унга 2000 йилгача Президентлик кафолатининг берилиши Ўзбекистонда катта воқелик бўлди. Давлат раҳбари нуфузи, обрўси, имиджи ошгани сайин унинг жаҳон мамлакатлари олдидаги обрў-эътибори ҳам ортди.

Шу йиллари “Ўзбек модели – Ислом Каримов йўли” мамлакатимиз равнақида ўзига хос ва мос тамойилларни белгилаб берди. Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам Юртбошимиз таъбири билан айтганда: “Ўтказилаётган янгилашни ва ислохотлар йўлини, амалга оширилаётган барча ўзгаришларни халқимиз қўллаб-қувватлаётганини кўрсатмоқда. Чунки ўтган давр мобайнида одамларнинг ўзи, уларнинг тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати мутлақо ўзгарди”.

Ислом Каримовнинг мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиққан беш тамойили ўз самарасини бермоқда. Қонун устуворлиги, сиёсатдан иқтисоднинг афзаллиги, кучли ижтимоий адолатли давлатни барпо қилиш, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш асосида мамлакатни чуқур иқтисодий ислохотларга буриб юбориш, унинг келажаги буюк эканлигини кўра билиш каби иқтисодий-сиёсий жараёнлар амалга оширилдики, булар бевосита ва билвосита Ислом Каримов ва унинг қарийб ўн йиллик Республика миқёсидаги раҳбарлик фаолияти билан боғлиқ.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти ва демократиянинг пойдеворини яратиш мақсадида мулкчилик шакллари ўзгартириш авж олдирилган. Худудимизда амалга оширилаётган ушбу ислохотлар Хамдўстлик мамлакатларидаги ислохотлардан амалийлиги ва ижобий самараси билан тубдан фарқ қилади. Хусусийлаштиришни сиёсий жабҳадаги ислохотлар билан бирга поёнига етказсак, ҳақиқатдан ҳам ижро ва вакиллик ҳокимиятлари ўртасида тенглик юзага келади.

Бундай кўп қиррали ўзгаришлар, ислохотлар изчиллик ҳамда ўзаро боғланишда умуммақсад сари ягона марказдан амалга оширилмоқда. Ушбу марказда Президент Ислом Каримовнинг мавқеи алоҳида аҳамиятга молик. У кишининг бевосита раҳбарлигида ҳокимият шаҳобчалари ўртасида ваколатлар тақсмоти адолатли равишда амалга оширилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар ўтиш даври муддатини қисқартиришга, ўзини ўзи такомиллаштира оладиган демократик тизимни шакллантиришга, шахс ва давлат манфаатларининг уйғунлашувига олиб келиши муқаррар. Ҳозиргача мамлакатимизда амалга оширилган ва яқин келажакда рўёбга чиқарилиши лозим бўлган ислохотлар



чизмаси Ислом Каримовнинг катта ислоҳотчи-меъмор эканлигини намоён қилмоқда.

Бошимда бир ғоя-фикр чарх урди: Президентликка сайлов тўлиқ демократик асосда ўтди. Чунки, бу борада демократик сайлов тизими ва уни амалга ошириш бўғинлари аниқ ҳамда фаол ишладилар. Президентимиз иккинчи муддатга сайланди. Менинг фикримча, бу ўринда сурунка-сига икки марта сайланган Президент Конституциямизда истисно сифатида имиджи юқори бўлганлиги учун учинчи ва тўртинчи марта сайланиш ҳуқуқига эга бўлиши шартлиги қайд қилинса, айти муддао бўлар эди. Албатта, Президентлик сайловлар муқобиллик асосида ўтиши, унинг демократик ва адолатли тарзда бўлишини таъминлайди.

Шу ўринда Президент лавозимига сайланадиган номзодлар (улар иккита ёки ундан ортиқ бўлиши – жаҳон мезонида табиий жараён) тўғрисида жамоатчилик фикри жуда кўп ибратли тажрибаларни ўртага ташлаганини эсладим. Жумладан, сайлов – сайланиш компанияси даврида Президент (президентликка номзодлар)нинг сиёсий портретини яратиш ниҳоятда зарур. Бу эса юқори рейтинг ва имидж (нуфуз, қиёфа)га эришиш омили бўлиб, вақт тақозосига кўра, имиджмейкерд институтини барпо қилиш ёки имидж бўйича ёрдамчи ваколатларни таъсис этиш – муҳим сиёсий восита бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқиб, Президент нуфузи – мамлакат нуфузи деган бообру мажмуани нафақат сайлов пайтида, балки жамият равнақи йўлида мунтазам татбиқ қилиш лозим, деб ўйлайман.

Ҳозирги шароитда жамият тараққиёти учун Президент нуфузининг ижобий жиҳатдан шаклланиши – мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-руҳий ривожига жуда катта таъсир кўрсатади. Юксак Президентлик нуфузи – муносиб етакчилик қобилиятига эга ҳар қандай оғир шароитда ўта масъулиятли

вазифаларни зудлик билан ҳал қила олишга қодир, кучли шахсни халқ ва жамият сари иккиланмай қўллаб-қувватлаши табиий, албатта. Имидж – сиёсий йўлбошчининг асосий хусусиятларини ифода қилувчи мураккаб ва жонли портретини барпо қилишдир. Хусусий имиджга таяниш – бу айниқса, сиёсатдон учун сув билан ҳаводек зарурдир.

Ислом Каримов имиджи – ўзбек имиджи моделида жуда кўп синовдан ўтди. Бу айти пайтда жаҳон тан олган жамоатчилик фикри хулосалари бўлиб, комил ишонч билан Президентимиз фаолияти янада серқамров, янада серқўлам ва халқчил миқёсда давом этаверади, дейишга тўлиқ ҳақлимиз.

*“Адолат” газетаси, 2000 йил 28 январь*



## ИСЛОМ КАРИМОВ – МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК БУЊЁДКОРИ

XX аср жаҳон тарихига жуда катта ўзгаришлар олиб келди. Инсоният тараққиёти ва таназулида ниҳоятда муҳим ўринга эга бўлди. Аср бошида рус-япон уруши, рус инқилоби, Биринчи жаҳон уруши, 20-йиллардан Шўролар ҳокимияти ҳукмронлигини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, жаҳон тамаддунида эса турли карама-қаршиликлар, яъни Германияда фашизмнинг пайдо бўлиши, Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейин икки карама-қарши тизимнинг юзага келиши ва ниҳоят 80-йилларда парчаланиши жуда катта ўзгаришларни бошлаб берди.

Бу ўринди, албатта, XX асрнинг 90-йилларига келиб, собиқ СССРда қандай туб ўзгаришлар бўлганига жиддий эътибор берамиз. Демак, собиқ сохта империянинг тажовузкорона сиёсати 73 йил мобайнида аста-секинлик билан чок-чокидан ситила борди. Нагижада мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларини ҳам, одамлар хатти-ҳаракатини ҳам бошқариб бўлмайдиган ҳолатлар вужудга келди. Ана шундай мураккаб сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий иқлим ҳамда аҳоли маънавий-руҳий ҳолатининг бутун миқёси ва моҳиятини тўғри баҳолаш лозим эди.

Дарҳақиқат, XX асрнинг 80-йиллари охирида Республика етакчиси Ислон Каримов қандай шароитда ҳокимият тепасига келди? Ўтмишдошларидан унга қандай жамият мерос бўлиб қолган эди? У қандай вазиятда иш бошлади? – деган саволлар пайдо бўлди. Дарвоқе, масалага ана шу тарзда холис ёндашилса, бизнингча, сиёсий раҳбарнинг ҳам, юртимизнинг тўлақонли қиёфаси ҳам, халқимизнинг хоҳиш-иродаси ҳамда мақсад-вазифалари ҳам, ташвиш-изтироблари, қўйингки, ҳаммаси

кўз ўнгимизда кино лентасидай яққол гавдаланади. Мавжуд ҳодисалар ва қарор топган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муҳитга адолатли тарзда баҳо бериш керак эди.

Тарихдан маълумки, ўша пайтда мавжуд жараёнларни чуқур ўрганмай, таҳлил этиб улгурмай туриб, “Бирлик” халқ ҳаракати ва “Эрк” демократик партияси вакиллари “Каримов ўз позициясини эълон қилмаяпти. Унинг аниқ дастури йўқ”, – деган таъна топшларини отишди. Турли митингбозликларда очикдан-очик хужумга ўтдилар. Ислон Каримов табиатан кенг феъли ила рақибларга ҳурмат билан қараш, уларнинг фикрларини эшитиш, ижобий хулосалар чиқариш, халқ ва республика манфаати учун ҳар қандай ифвогарликлар, тазийқлару зўравонликлар, қолаверса, мақтовлару хушомад-гўйликларга бир хилда муносабатда бўлиш, фақат ақл-идрокка ҳамда метиндек иродага таяниб иш тутиш зарурлигини бир сония ҳам унутмади. Республика раҳбари Ислон Каримов 1989 йилдаёқ: “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймади”. “Жамиятни янгилаш учун курашаётган барча соғлом кучларни бирлаштириш зарур”<sup>31</sup>, – деган амалга оширилиши мумкин бўладиган истикболли ғоя-башоратни ўртага ташлади!

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йўли – ҳақиқат ва эзгулик йўли, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тенглиги йўли, маънавий баркамоллик ва юксак маданият йўли, бир сўз билан айтганда, бой инсоний фазилатлар мажмуидир. Шунинг учун ҳам 1989-1991 йилларда Ислон Каримов ўз танлаган йўлининг тўғрилигига қатъий ишонди ва миллионлаб юртдошларимизни бунга ишонттира олди. Ва мустақилликнинг иккинчи йилида “Буюк мақсад йўлидан оғинмайлик” деган мавзу бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12 сессиясида (1993 йил 7 май) куйидаги

<sup>31</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон. 2011. 32-45 ва 46-65-бетлар.

пурмаъно фикрларни муҳради: “Бизнинг танлаган йўлимиздан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтаролмайди. Зотан, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодирдир. Энди ортга йўл йўқ. Ўзбекистон истиқболини собитқадамлик билан барпо этмоғимиз зарур. Бу йўлда иккиланмоқ, манфаатпарастликнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашмоқ – Ватанга, халққа, келажак авлодга хиёнат бўлади!..

Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улугвор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак.”<sup>32</sup>

Ўз-ўзидан бирор воқеа-ҳодиса содир бўлмайди, албатта. XX асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошларидаги алғов-далғов пайтлари ниҳоятда чуқур: ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан танқидий таҳлил қилган Президент Ислом Каримовнинг қатъий ҳамда ҳал қилувчи позицияси қуйидагиларни ташкил қилган эди:

– Янгилик билан эскилик ўртасида ҳамма вақт кескин курашлар, зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар бўлган. Ҳаётда эса янгиликдан кўра эскилик, яхшиликдан кўра ёмонлик, эзгуликдан кўра ёвузлик биров яшовчан бўлади. Ана шу ҳаётнинг фалсафадан келиб чиқиб, турмуш тарзига айланган ва кундалик ҳаёт қобилигида ўрналиб қолган айрим шахслардаги мутелик қарашларни ўзгартириш осон иш эмас эди?!

– Юрт мустақиллиги учун курашаётган етук сиёсатчидан ниҳоятда кучли ирода, мустаҳкам асаб, сабот ва матонат талаб қилинар эди. Бу интиҳосиз изтироблар, ҳаётнинг ҳар дақиқасини эътиқод ва гоя учун қурбон қилишдек фидойилик ва олий даражадаги шахсий

<sup>32</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., Ўзбекистон. 1993. 182-б.

жавобгарликка асосланган қатъиятли ва мустаҳкам фазилат зарур эди!

Мустақиллик – янгилик билан эскилик ўртасидаги жарликни тўлдириш, яъни аста-секинлик билан одамлар сиёсий онги ва дунёқарашида, тафаккурида бурилиш ясаш ва афзалликларини шакллантириш демакдир. Давлат ва сиёсат арбоблари турли сиёсий гуруҳлар – мухолифлар ҳаракатлари билан бирга бир-бирига зид қарашлар ва ғояларни енгиб ўтиши, халқимиз онги ва қалбида беқиёс янгиланишни амалга ошириши, яъни жамият ҳаётида жиддий сифат ўзгаришлар истиқболга олиб келади.

Оллоҳнинг инояти билан халқимиз орзуси – Мустақилликка эришдик. Бу оддий гап эмас. Чунки бу кунга келгунга қадар моҳир сиёсатчи, узоқни кўзлаган башоратчи, албатта, аниқ режа ва кенг кўламли новатор. ислохотчи сифатида намоён бўлган Ислом Каримов, энг муҳими мустақил даврда Ўзбекистон ССРнинг яхлит бошқаруви – Президентлик институтини ташкил қилди. Унинг сазой-ҳаракати ила Истиқлол қўлга киритилди, миллий давлатчиликка асос солинди. “Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган?” деган саволга Буюк Йўлбошчимиз шундай жавоб берган эди: “Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1924 йили давлат мақомини олган эмиш. Биз шу гапга ишонишимиз керакми? Мақтаниш эмас, янгидан шаклланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида айтишга ҳаққим бор, керак бўлса, бу иш учун жонимни, борлиғимни беришга тайёрман”<sup>33</sup>.

Демак, миллий давлатчилик масаласи Президент Ислом Каримовнинг фаолиятида бош сиёсий муаммо бўлиб турган эди. Ва у шундай таъкидлади: “Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил

<sup>33</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”. 1998. 11-б.

бўляпти. Бу подир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди”<sup>34</sup>.

Биринчи Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида қабул қилинган Асосий қонунимиз – Конституцияда миллий давлатчилик замонавий тарзда ўз аксини топди. Конституциянинг муқаддимасида куйидагича ифода қилинади.

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устуңлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирешларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тоғувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади<sup>35</sup>.

Буюк юнон донишманди Афлотун “Халқ қонунларига эҳтиёж сезган ҳолда уни чуқур ўрганиши зарур. Чунки, улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”<sup>36</sup>, – деган эди. Зеро, бу фикр ҳозирги кунда ўз қийматини йўқотмаган. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган вақтдан бошлаб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлини танлаган ҳолда мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш борасида катта ишларни олиб бормоқда. Бошқача айтганда, бундай ёндашув миллий давлатчилик сиёсатининг асосий вазифасига айланди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай қайд қилдилар: “Асосий қонунимизда умумэътироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди”<sup>37</sup>.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ давлатни ривожлантириш, фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Истиқлол барча ватандошларимизга озод ва эркин яшаш бахтини берди. Энг асосийси инсон – жамиятнинг гултожига айланиб бормоқда. Асосий қонунимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланди. Унинг 43-моддасида: “Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”<sup>38</sup>, – дейилади. Юртдошларимиз ҳуқуқ ва эркинликларининг бундай юксак меъёрида белгиланиши 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси” ғояларига тўла мос келади.

<sup>36</sup> Платон. Государство. М., “Наука”. 1988. с.86.

<sup>37</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1. Т.: Ўзбекистон. 2017. 101-б.

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2016. 10-б.

<sup>34</sup> Ўша асар. 10-б.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2016. 3-б.

Асосий қонунимизнинг жаҳон андозасига тўғри келишининг ўзи катта воқелик эди. Юртимизнинг истиқлолга эришгани қанчалик улкан сиёсий воқеа бўлса, энди унинг тараққиётида Конституция ҳам шу қадар муҳим ўрин тутди. Мамлакат равнақи, барча соҳалар ривожининг ҳуқуқий асосини ташкил этаркан, уларнинг қанчалик адолатли, ҳаққоний, ҳуқуқий жиҳатдан мукамал эканлиги ҳам Бош Қомусда ўз ифодасини топганидир. Зотан, Конституция миллий давлат ривожига беқиёс воқеликка айланди.

Ҳар бир жамият ўзининг юксак тараққиётига эришиши учун мустақил бўлиши ҳамда миллий давлатчиликнинг ҳақиқий демократик жараёнларини вужудга келтириши зарурдир! Бу жараёнлар мамлакатимизда истиқлол йиллари амалга оширилиб, умумэтироф этилган демократик нормалар ва миллий манфаатларимизга мос келувчи демократик ҳуқуқий миллий давлат барпо этилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, давлатнинг демократик тамойиллари универсал ҳолат бўлиб, Америка, Россия, Хитой ёки Германияда қандай бўлса, бизда ҳам шундай бўлиши керак, деб англашимиз нотўғридир. Яъни, уни вужудга келтирадиган, шакллантирадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий, тарихий-ҳуқуқий, географик, геостратегик шарт-шароитлар турли халқлар ва давлатларда ҳар хил даражада ривожланиш жараёнларини бошидан кечиради. Демак, ривожланиш жараёнлари миллат руҳиятидан келиб чиқади. Мамлакатнинг, аҳолининг ривожланиш негизи миллий давлатнинг демократик жараёнларини белгилайди.

Миллий давлатчилигимизнинг демократик принциплари Биринчи Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Буюк Зотнинг таъкидлашича: *“Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз*

*билан яратадиган бўлди. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизни умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлди”*<sup>39</sup>, – деган ҳикматли фикрлари миллий давлатчиликнинг ривожланиш муаммоларини белгилади. Чунончи:

а) *Сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий-маънавий ривожланишнинг демократик объектив жиҳатлари – давлат бош ислоҳотчи сифатидаги жараённинг ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари билан уйғунлашган ҳолда содир бўлмоқда. Ҳарб мамлакатларида эса ривожланишда инқилобий ўзгаришлар кўп учрайди. Бизнинг халқимиз эса мулоҳазакор, “етти ўлчаб бир кес”, қабилида иш тутди. Яъни, бу халқимиз менталитетидан келиб чиқади.*

б) *Ўз руҳияти ва ижтимоий онг тараққиётига кўра, халқимизнинг янгиликка ва хўжалик юритишига иштиёқи баланд. Натижада маданият ривожини ва хўжалик юритишини, айниқса, савдонинг ҳозирги жаҳон андозалари талаблари даражасида тикланиши – Ипак йўли гуллаб-яшнашининг ўзаги бўлди. Бу эса давлатимиз тараққиётида ўзига хослигини вужудга келтирмоқда.*

в) *Миллий давлатнинг демократик жараёнлари инсон равнақи учун хизмат қилар экан, бу албатта, унинг эҳтиёжини, манфаатини, имкониятидан келиб чиқиши керак. Яъни, узоқ йиллар давомида тўпланган тажриба, шунингдек жаҳон тажрибалари халқимизнинг миллий интеллектини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши зарур, – деб ўйлаймиз.*

г) *Мамлакатимизда жамоатчилик фикри жамоавий нуқтаи назар асосида ривожланмоқда. Ҳарб давлатларидаги демократиядан фарқли ўлароқ бизда жамоа ўз-ўзини бошқаради. Ошлада ёки жамоада ким ақлли, тажрибали ва ёши улуг бўлса, ўшанинг фикри бошқаларга кўпроқ таъсир*

<sup>39</sup> Халқ сўзи. 1994 йил 30 август.

қилади. Маҳалла ва қишлоқларда оқсоқоллар бир томондан ҳурматли кишилар бўлиб, бирор тўхтамга келишда уларнинг фикрлари билан ҳисоблашилади. Иккинчи томондан эса шунга мос равишда давлат ҳокимияти вакилларига ҳам алоҳида ҳурмат билан қаралади. Бу қўрқув ёки қарамлик эмас, балки раҳбарларга ҳамда тажрибали, обрўли кишиларга бўлган ишонч ва ҳурматдир.

Дарвоқе, муқаддас ва бебаҳо Куръони Каримда ҳам раият учун<sup>40</sup> раҳбарлар фикри фарзидир. Яъни бажариши, ижобий ҳолда амалга оширилиши қайд қилинган. Бу ерда анъанавийлик ва замонавийликнинг шундай манбаи мавжудки, қайси давлат ва унинг раҳбари халқини чин дилдан эъозласа, адолат тамойиллари асосида бошқарса, демак тараққиётнинг энг зарур таянч нуқтаси вужудга келади. Шу жиҳатдан Буюк Йўлбошчимиз Ислоом Каримов таълимотининг ноёблигини кўрамыз. Маҳаллаларга давлат томонидан ёрдам бериш, уларга миллий давлат куриш йўлидаги имкониятлардан фойдаланишнинг тактик ва стратегик йўллари белгиланган. Яъни:

1. Ўзбекистон жамиятидаги жамоавий устуворликнинг табиати фалсафий-тарихий жиҳатдан чуқур илдизга эга ҳамда жамоатчилик ҳаёти тизимида алоҳида ижтимоий мувозанат яратиш зарурлигига асосланади. Маҳалла институтлари раванқ топиб, жамоавийлик қадриятлари давом этмоқда. Унинг ижтимоий ҳаётга таъсири жуда каттадир.

2. Миллий давлатчилик жараёнларини чуқурлаштириш шароитида фуқароларнинг айна пайтда демократик тараққиётнинг фаол иштирокчиси ҳамда ҳимоячиси сифатида тайёрлаш мураккаб ҳамда муддат талаб этадиган ҳодиса. Чунки, мустамлакачилик даври иллатларидан кутулиш “азоби”ни фикрлаб яшаш, ақл-идрок йўриғи билан кун куриш “машаққати”ни енгиш учун инсонга ички ирода, янгилашиш

<sup>40</sup> Раият – халқ.

ғояси, қатъиятли онг ва тафаккур ҳамда маънавий-ҳуқуқий кудрат керак. Ана шу Ирода ва Кудратни уйғотиш ҳамда шакллантириш, унга қувват бахш этиш бугуннинг асосий вазифасидир.

Ҳозирги пайтга келиб, миллий давлатчиликнинг ривожланиш жараёнлари бутунлай ижобий томонга ўзгарди. Шубҳасиз, миллий давлатчилигимизнинг энг асосий тамойили қонун устуворлиги ва ижодкорлиги таъминланмоқда. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари умуммажбурий бўлишини таъминлашда ҳуқуқий давлат асоси – ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципи муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, давлат ҳокимияти турли органларнинг ваколатлари бўлинишига нисбатан инсон ҳуқуқларининг институционал кафолатларини яратади.

Биринчи Президент Ислоом Каримов қайдига кўра: “*Ўзбекистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимият учга ажратилади – қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига*”<sup>41</sup>. Бу фикр Конституциянинг 11-моддасида ўз аксини топган: “*Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади*”<sup>42</sup>. Ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг мавжуд бўлиши туфайли давлат ҳокимияти тизимида ҳокимият органлари бир-бирини мувозанатда сақлаб туриш ва назорат қилишга йўл очиб берадиган ва бир шахс ёки органнинг кўлида ҳокимиятнинг тўпланишига имкон бермайдиган ўзаро муносабатлар тартиби ўрнатилади. Профессор М.Х.Рустамбоевнинг фикрича: “ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий тамойили давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга оширишда бир-бирини тийиб

<sup>41</sup> Каримов И.А. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар. XII чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т: Ўзбекистон, 1996. 1-жилд, 15-б.

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2016. 5-б.

туриш ва мувозанатни сақлаш механизмининг ўрнатилишини назарда тутаяди, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг мустақил фаолият кўрсатиши ва ҳамкорликда ишлашнинг таъминлайди. Шу сабабли, давлат авторитар ва тоталитар интилишларнинг ривожланишига қаршилик қиладиган жамиятда барқарорликни, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлайдиган зарурий ҳуқуқий кафолатлар юзага келади”<sup>43</sup>.

Миллий давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари – пировард натижада Ўзбекистонда янги ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган. Демократиянинг муросачилик ва яқдиллик маданияти давлат ички ҳаётида ҳам, ташқи сиёсатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, жамият фуқаролари ўртасидаги муносабатлар қанчалик самимий ва илиқ бўлса, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йўлида бирлашиб, муаммоларни ҳал этишда оқилона фаолият кўрсатса, барча учун умумий вазифалар олдида шахсий масъулият ва мажбурият чуқур ҳис қилинса, бу – биринчидан, демократиянинг мамлакат ички ҳаётидаги маданиятини белгилайди.

Фуқаролик жамиятини барпо этишнинг халқаро тамойиллари, яъни дунё давлатлари ҳамжамяти эътироф этган йўриқлари мавжуд бўлиб, бевосита фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгаллиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши, барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, сайлов ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалардир. Бироқ маълум бир мамлакатда демократияни жорий этишда фақат шунинг ўзи кифоя қиладими?

<sup>43</sup> *Рустамбоев М.Х.* Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш бўйича маъруза матни. Т., “Адолат”. 2011. 8-б.

Йўқ, албатта. Чунки, ҳар бир халқнинг ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, демократияга ёндашишнинг ўзига хос усули бор.

Миллий давлатчилигимизнинг демократик тамойилларини янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришимиз мумкин. Аслида, демократия – “объектив воқелик”. Бир тизимдан иккинчисига ўтаётганда, унга йўриқномалар, кўрсатмалар бериш услуби билан дарҳол қуриб бўлмайди. Бу ҳақда жуда кўп айтилган ва ёзилган. Бироқ барқарор демократик жамиятнинг қарор топиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳаётга тадбиқ қилишга қодир кучли миллий давлат лозимлигини тушуниб етдик. Аммо жамиятни демократлаштириш одимларини Шўро даври қарашлари билан сира ҳам ўлчаб бўлмайди. Ҳар бир нарсани унинг моҳиятидан келиб чиқиб, ўз номи билан мардонавор айтиш Буюк Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг сиёсий сифатларидан эди. Ҳар қандай сиёсий вазифа сиёсатчи зиммасига режадагиларни амалга ошириш иродаси ёки лаёқатидан иборат бўлган шахсий жавобгарликни юклайди.

Раҳбар ўзини “демократ”, давлатини эса “демократия ороли” деб хоҳлаганча айтиши мумкин, бироқ шу билан биргаликда унинг давлатида очлик, қашшоқлик, тартибсизлик, турли томонга ташлашлар ҳукмрон бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Бир қатор МДХ давлатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Ва бизнинг давлатимизга келсак, XXI асрда давлатларнинг арзон популизм ва демократия ниқоби остидаги ўйинлари эмас, балки зарурий миллий мафкуравий ғоядан воқеликка айланган ҳақиқий демократик, очиқ адолатли жамият томон қўйган шахдам қадамларимиз, бу борада қўлга киритган ютуқларимиз билан Ўзбекистон давлати танлаган йўл – демократик тамойиллар мазмунини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакат парламентига Мурожаатномаси ҳозирги кун ва келажак нуқтаи назаридан ўзбек миллий давлатчилигининг ривожланишида сиёсий воқелик бўлди.<sup>44</sup>

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, инсоният тарихига назар солсак, демократик жараёнларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этган миллий давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий тараққиёти асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Демократия – халқ ижоди, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги натижасида қўлга киритилган бошқарув тизими. Демократия доимо халқ оммасининг фаол ҳаракати, ўз ҳуқуқлари, эҳтиёжларини қондириш учун олиб борган машаққатли курашлари, пок ва ҳалол меҳнати натижасида қўлга киритилган. Буюк Юртбошимиз Ислом Каримов ҳар доим, миллий давлатларда демократик тамойилларни ҳаётга жорий қилиш турли йўллар воситасида амалга оширилиши, лекин унинг асосий талаби ва омили доимо шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан эркин фикрлаш ҳамда мулоҳазаларини бемалол баён қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўлиб, ҳар қандай давлатнинг демократик жараёнларини амалга оширишда маълум муддат талаб қилувчи ҳолатдир, деб таъкидлаган эди. Авваламбор, демократиянинг ҳуқуқий асослари барпо қилиниши шарт. Ушбу жараёнларни сунъий равишда жиловлаб туриш ёки суръатларини жадаллаштириш ижобий натижаларга олиб келмайди?

Шу ўринда Биринчи Президентнинг миллий давлатчилик тараққиёти ҳақидаги фикрларига назар ташласак: *“Биз ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганишида давом этамиз... Шунинг учун демократия ҳақида гапирганда биз, авваламбор, энг ривожланган давлатлар қаторига кириш, энг муҳими, улар қўлга киритган ютуқларни*

<sup>44</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабрь.

*ўзлаштиришни назарда тутамиз”*<sup>45</sup> – деган эди. Турли халқлар, маданиятлар манфаатларининг ёнма-ён яшаши, яшай олиши фақат ҳақиқий миллий демократик шароитдагина амалга ошади. Буни биз истиқболли миллий давлатимиз миқёсида кўриб турибмиз.

Бугунги дунё давлатлари демократик жараёнларни кафолатловчи омилларга эга. Ўзбекистон ҳам ундан четда эмас. Шу ўринда ҳақиқий демократиянинг сохта демократиядан фарқини англаш билан боғлиқ фуқаролик маданиятига эга бўлиш; демократия ниқоби остидаги “демократик ўйинлар”нинг, қарашларнинг, чиқишларнинг орқасидан эргашмаслик; тақлид қилиш ёки қилмасликнинг қайси миллий манфаатига тўғри келиши ёки келмаслигини солиштириб кўришга етадиган уйғоқ онг ва тафаккурга эга бўлиш; аҳолининг асосий қисми демократияга тайёр бўлиши, унга бефарқ бўлмаслиги, демократик онг ва маданий савияда дунё ва миллий тараққиёт талабларидан орқада қолмаслиги керак, деган ғояларни халқаро экспертлар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар. Тўғри ва ҳақиқий бунёдкорлик ғоясини фақат миллий давлатнинг демократик қарашлари орқали амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги даврда жаҳон давлатлари эришаётган ютуқлардан орқада қолмаслик, янги технологияларни эгаллаб, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун изланиш ва янги-янги ихтиролар қилишга қодир бўлиш асосида миллий давлатимизнинг муҳим йўналишларини белгилаш мумкин. Ўзлигини англаган халқ мустақилликка, ўз тақдирига, фарзандларининг келажакига истиқбол кўзи билан қарайди.

Жаҳонда ўзига хос ўринга ва нуфузга эга бўлаётган Ўзбекистон давлати ана шундай миллий демократик йўлдан бормоқда, – деб таъкидлаган Биринчи Президентнинг улкан мақсадга қаратилган ғоялари халқ севган

<sup>45</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажакга йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. 2015. 106-б.



давлатимиз раҳбари Шавкат Миромоновичнинг зийраклик ва зукколик ҳамда ҳозиржавоблик ва талабчанлик билан олиб бораётган миллий давлатчилик сиёсати аини муддао эканлигини Бош Қомусимизнинг чорак асрлик улуғ айёмидаги пурмаъно нутқидан ҳам англаб турибмиз: “Шу қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди<sup>46</sup>”. Муҳтарам Президентимиз стратегик истиқболга шундай баҳо берди: “Бугун биз жонажон Ватанимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқишдек юксак мақсад йўлида кенг қамровли ислохотларни амалга оширмоқдамиз”<sup>47</sup>.

Ўзбекистон ўзининг кўшимча тарзда газ, нефть, кўмир ва уран захираларига эга бўлиб, уларни соф ҳолда экспорт қилиш бўйича жаҳоннинг ўнта давлатлар сафига кирди. Мамлакатнинг умумий энергетика захиралари яна камида 100 йил давомида иқтисодиёт эҳтиёжларини қондириш учун етади. Шунинг ўзиёқ миллий давлатимизнинг бой имкониятларга эга эканлигидан далолат беради.

Умуман олганда, давлат ва миллий давлатчилик муаммоси, унинг ҳозирги глобаллашув давридаги ривожланиш босқичлари мўътадил тарзда давом этмоқда. Йўлбошчимиз – Биринчи Президент Ислам Каримов асос солган миллий давлатчилигимиз бундан кейин ҳам узокни кўзлаган дастур асосида раванқ топаверади. Буни биз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўта дадил, илмий асосланган Ҳаракатлар стратегияси дастури орқали янада чуқурроқ тушунамиз: “Энг аввало, одамларимиз ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур.

<sup>46</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 8 декабрь.

<sup>47</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 8 декабрь.

Айнан шу мақсадда биз тараққиётнинг янги босқичига қадам кўяр эканмиз, салоҳият ва имкониятларимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик. Чунки ўзимиз шу ишни қилмасак, ҳеч ким бу хатоларни четдан келиб бизга айтмайди. Биз ўз келажакимизни ўзимиз қурамыз. Бу йўлда хато қилишига ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун ҳар томонлама чуқур ўйлаб, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Мазкур ҳужжат моҳиятига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислохотларнинг “йўл харитаси”га айланди”<sup>48</sup>.



<sup>48</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 8 декабрь.

## ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ИЗМИГА СОЛГАН ИНСОН

*Бугун барчамиз бир фикрда яқдилмиз:  
Биринчи Президентимизнинг Ватан ва  
давлат олдидаги буюк тарихий хизмат-  
лари, сўнмас хотираси халқимиз қалбида  
абадий яшайди.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ.*

Инсоният жамияти тараққиётининг турли даврларида инқилобий ўзгаришлар, Буюк Йўлбошчимиз Ислом Каримов таълимотига кўра: яъни, “мавжуд сиёсий-ижтимоий вазият, ҳукмрон мафкура, жамиятнинг ҳуқуқий ва маданий савияси, турли социал гуруҳ ва тоифаларнинг қарашлари”<sup>49</sup> ёки реал тарихий етакчи шахслар жаҳоний бунёдкорлик фаолиятнинг инъикоси бўлиб келган.

Ушбу субъектлардан қайси бири муҳимроқ? Фанда ханузгача баҳслар, илмий тортишувлар давом этмоқда. Масалан, антик давр мутафаккирлари Геродот ва Фукидид<sup>50</sup>, Конфуций ва Зардўшт, кейинроқ эса Плутарх ўз асарларида буюк саркардалар, шоҳ ва амалдорларнинг ҳаёти, фаолиятини ўргандилар. Плутарх, “мен асарларимни эртакона тўқималардан ҳоли қилиш учун тарихни яратишга муносиб ҳисса қўшган реал шахсларга мурожаат этаман”, деб ёзади<sup>51</sup>. У ўзининг “Қиёсий ҳаётий фаолиятлар” асарида Тесей ва Ромул, Лукург ва Помпилит, Солон ва Попликола, Александр ва Цезарь, Демасфон ва Цицерон каби буюк етакчилар

<sup>49</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият—енгилмас куч. Т., 2008. 66-б.

<sup>50</sup> Геродот. История в девяти книгах. — Л.: Наука, 1982; Фукидид. История. — Л.: Наука, 1981.

<sup>51</sup> Плутарх. Сравнительные жизнеописания. — М.: Правда, 1987; Знаменитые греки. Жизнеописания Плутарха. — Л., 1961. — с.5-6.

ҳаётини бир-бирига қиёслаб ўрганди. Таниқли шотландиялик файласуф Т.Карлейль эса “тарихни буюк кишилар, қаҳрамонлар яратади, деб қайд қилади. У ёзади: “Дунё тарихи, менинг фикримча, моҳиятан бунда, ер устида яшаган буюк кишилар тарихидир”<sup>52</sup>. Бундай қараш то XIX асргача кенг тарқалган эди.

Тарихий етакчи шахсларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни масаласини рус файласуфи Г.В.Плеханов янгича талқин қилди. У Европа олимларининг турли қарашларини таҳлил қилиб, инсон эркин ва кучли, иродасининг ижтимоий зарурият билан боғлиқлиги ҳамда тарихда етакчи шахсларнинг роли ушбу икки омилнинг уйғунлиги натижаси эканлигини очиб берди.

Демак, тарихий буюк шахс ўз салоҳияти ҳамда хусусияти билан маълум жамиятни мустақил тараққиёт тамойиллари орқали олға олиб чиқишни ифода қиладиган хатти-ҳаракатлар, фаолият турлари, яъни уларни қўллаб-қувватлайдиган ва зарурий эҳтиёжларни ярата олган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, муҳит ва муносабатлар ташаббускори ҳамда бунёдкоридир.

Маълумки, ўтган асрнинг сўнгги 40 йили (1940 йиллари охиридан 1980 йиллар ўрталаригача) жаҳон аҳли учун кўрқув, таҳдид остида яшаш йиллари бўлди. Кум устига қурилган иншоот кулаб тушгани каби икки қутбли тизим ҳам энди бундай яшай олмаслигини, яъни сохта ғояларга андармон бўлганини сизди ва 80-йиллар ўрталарида парчalandи. Дунё ўзгарди. Тарихий буюк шахсларнинг роли ва бурчи ҳамда масъулияти бутунлай ўзгача моҳият касб этди,

<sup>52</sup> Карлейль Т. Герои, почитание героев и героическое в истории. — М.: ЭКСМО, 2008. — с.7.

ғоявий-мафкуравий қарашлари бунёдкорлик, яратувчанлик сари юз тутди.

Инсоният XX аср охирига келиб, бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди: уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга дунёда глобаллашув, яъни ахборот коммуникация оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви ҳамда универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар, муаммолар юзага келиб, жадал суръатларда ривожланди.

Ана шундай даврда жаҳон сиёсий-ижтимоий тарихи майдонига Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов кириб келди. Унинг илк қарашлариёқ истиқболдан, порлоқ келажакдан дарак берарди! У, энг аввало, куч-қудрат яхлит бирликда бўлиб, Ўзбекистон халқининг бош мақсади озодликка эришиш; яъни азалий орзу-ниятлари Мустақилликни қўлга киритиш лозимлиги заруриятини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан англаган ва чуқур ҳис қилган эди. Буюк Йўлбошчимиз Ислон Каримов Президентлик мақомини (1990 йил 24 март) жорий қилди ҳамда янги жамият асосларини яратишга киришди. Мустақиллик декларацияси (1990 йил 20 июнь) юзага келди. Оқибатда (1991 йил 31 август) Мустақиллик қўлга киритилди.

Халқаро ҳамда айрим давлатлар раҳбарларининг таҳлилий фикрларига кўра, ўз давлати тимсолида барқарор ва тинчликка асосланган стратегик тараққиётни таъминлаган буюк Шахс жаҳонда тарихий ўзгаришларга катта ҳисса қўшди. Демак, Биринчи Президентнинг бунёдкорлик ғоялари билан тарихдаги роли ва имиджи ортди.

Жаҳондаги сиёсий-ижтимоий ўзгаришларга Ўзбекистон давлати раҳбари Ислон Каримов XX аср охири ва 2016 йил сентябргача, яъни 27 йилдирки бефарқ бўлмади. Бунёдкорлик ва яратувчанлик ғояларини ўртага ташлаб, дунё хўжалигининг тинч-тотув раванқ топишида ягона миллий демократик бошқарув – муроса сиёсати нуқтан назаридан олиб борилиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган эди. Академик Ислон Каримовнинг чорак асрдан кўпроқ вақт давомида қўшган ҳамда таъсирини ўтказган ғоявий-сиёсий қарашларини кўплаб давлатлар лидерлари, сиёсатдонлари, халқаро таҳлилчи-экспертлар ҳамда жаҳон жамоатчилиги фаоллари қуйидагича умумий тарзда талқин қилишди:

1. 1993 йил 28 сентябрда Ислон Каримов БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида тўртта таклифни ўртага ташлади. Булар: БМТ Уставини қайта кўриб чиқиш. Тожикистон ва Афғонистон муаммоларини жиддий тарзда таҳлилий ўрганиш гуруҳини тузиш Орол масаласи БМТ диққат-марказида туриши ва ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда БМТ ҳузурида терроризмга қарши кураш Қўмитасини тузиш эди.

2. XXI аср – глобаллашувнинг турли жиҳатларини қамраб олган, яъни ахборот-технология ва экология ҳамда фан-техника тараққиёти; ғоявий-мафкуравий кураш; полигонлар, иммунитет, профилактика, инсон онги ва қалбини эгаллаш; муроса сиёсати; келишув ва шерикчилик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, умуман олганда, давлатлараро битимлар ва мемориандумлар тузиш, халқ фаровонлиги ва турмуш ободлигини ошириш асри эканлигини Ислон Каримов ўнлаб мисоллар билан ифода қилиб берган эди.

3. Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика, мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан,

уларни аниқлаш, баҳолаш, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ислоом Каримов томонидан илмий муомалага бир қатор тушунчалар киритилганлигини қайд этиш лозим. Жумладан, “мафкуравий иммунитет”, “мафкуравий профилактика” каби тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характерини янада чуқурроқ тасаввур қилиш имкони туғилади. Тарихда сиёсий ва буюк шахснинг зукколиги шундаки, кишилар онги ва қалби учун мафкуравий кураш ғояларини англаш ҳамда таҳлилий ёндашишида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда жаҳон миқёсида нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш ғоявий-мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда! Чунончи, Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, бошқача айтганда, мафкуравий полигонга айлантirmoқда.

Ҳозирги глобал ахборотлашув дунё халқларининг ҳаёт тарзига айланган. Бундай шароитда реал тарихий етакчининг ижтимоий-сиёсий тараққиётга қўшаётган ҳиссасини аниқлаш, ўлчаш осон иш эмас. Лекин буюк аждодларимизнинг ижтимоий-маънавий меросига, ҳаётига назар ташлаб, идеал излаб, келажакка тик боқишимиз, тўсиқларни енгиш учун дадил қадам ташлашимиз керак. Тарихий буюк етакчилар яратган ижтимоий-маънавий мерос, ибратли ҳаётлари истиқболли тараққиётимизнинг асоси бўла олади.

Дарҳақиқат, тарихий давр ва иқтисодий-ижтимоий вазиятнинг ўзи улкан ҳамда қатъий фазилатларга эга бўлган буюк шахсни майдонга чиқаради. У ўз халқининг эзгу мақсадларига, орзу-умидларига, интилишларига, севинчу изтиробларига, бахтли ва ситамли онларининг гувоҳи бўлиб, яхлит жамият маънавий-руҳий шароитида шаклланади, ривожланади, камолотга етади. Биринчи Президент Ислоом

Каримов Ўзбекистонда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий вазият оқимида шаклланди, тоталитар режимнинг бутун моҳиятини, ўзбек халқининг тарихий кадр қимматини чуқур англади. Унинг шаъни-шавкатини тиклаш орзу-умиди билан амалга оширди. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев шундай қайд қилди: “*Биз муҳтарам Биринчи Президентимиз Ислоом Абдуганиевич Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар йўлини оғшимасдан, қатъий ва изчил давом эттирамиз.*

*Бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам заминидир*”<sup>53</sup>.

Биринчи Президент Ислоом Каримов – эл-юрт учун фидойи, буюк азму шижоат, мустаҳкам ирода эгаси. У озгина адолатсизликка ҳам чидай олмайдиган, ҳақ ва ҳақиқатни бутун вужуди билан ҳимоя қиладиган ҳақиқий сиёсатчи. Унинг ана шундай фазилати, айниқса мамлакат Президенти лавозимига сайланганидан сўнг (2016 йил 29 март) яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташлана бошланди.

Шундай қилиб, Буюк Йўлбошчимиз таълимоти нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон тамаддунидаги буюк сиёсий имидж ва менталитетга эга эканлигини қайд қиламиз. Ўзбекистон давлати тимсолида тарихий ўзгаришларга буюк ҳисса қўшгани ва унинг меъмори ҳамда яратувчиси бўлганини алоҳида таъкидлаймиз. Зотан, давлатимизга, миллий тарихимизга назар ташлар эканмиз, буюклик, эзгулик, инсонпарварлик, миллатлараро тотувлик – яна бир бор ўзбек халқига хос ва ўзига мос бўлиб қолаверади.

<sup>53</sup> *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимининг қатъий таълимоти билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1. Т.: Ўзбекистон. 2017. 137-б.

## АБАДИЯТГА ДАХЛДОРЛИК

*Ўзбек халқининг чексиз муҳаббатини қозонган, мустақил мамлакатимизнинг Буюк Йўлбошчиси, Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов қалбларимизда абадий қолади ва келажак авлодлар хотирасида тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт раҳнамоси сифатида мангу яшайди.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ.*

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ўлиmidан бир кун олдин 2016 йил Биринчи сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги”, бу ватандошларимга сўнгги васияти бўлиб, тарих саҳифаларида абадул абад қолажак! Мамлакат Бош вазири Шавкат Миромонич Мирзиёев бир ҳафтадан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги нутқида: “Ўйлайманки, бугунги мажлисда қатнашаётган ҳар бир инсон шу залда буюк Йўлбошчимизнинг руҳи ва нафасини сезиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг ўлмас гоялари, фикр, кўрсатмалари бизнинг қалбимиз ва онгимизга шундай чуқур сингиб кетганки, улар бизнинг келажак сари қатъият билан боришимизда барчамизга доимо таянч ва суянч бўлиши муқаррар”<sup>54</sup>, - деб таъкидладилар.

Ўзбекистон Ватани ва халқи ҳамда Президентлар олтин ҳалқасимон каби тимсоллардир. Бу шундай узвий ва

<sup>54</sup> Халқ сўзи. 2016 йил 9 сентябрь.

муштарак атамаки, бунёдкор халқимиз онги-шуури, бутун вужуди ҳамда қалбига муҳрланиб қолганини кўрмай ва билмай бўладими?

Буюк Йўлбошчимиз айтмоқчи: улуғлар-улуғи, буюклар-буюги, авлиёлар-авлиёси борми, яъни фозил халқинг, жаҳоннинг қудратли давлатига айланган Ўзбекистон Ватанинг бор! Ўзлари ўша табригида қайд қилган эди: “Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги ўзини боқишига, ўзини ҳимоя қилишига қурби етмаган, иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси гоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолақ республикадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, қудратли давлатга айланиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”<sup>55</sup>. Бу пурмаъно, Биринчи Президент Ислом Каримов таълимотига хос фикр қулоғим остида ҳамон жаранглайди ва яна Ўзларига мурожаат этаман: “Чиндан ҳам, “Ватан туйғуси”, “Ватан” тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак. Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шайну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамшиша тайёр турмоғимиз даркор. Улуғ аجدодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келётган Ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин”<sup>56</sup>, - деган эди.

Саодатли келажакка ҳозир, ҳар дақиқада улуш кўшмоқ, Ватанга муҳаббат ва садоқат – ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, кадрдон

<sup>55</sup> Халқ сўзи. 2016 йил 1 сентябрь.

<sup>56</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. III жилд. “Ўзбекистон”. 1996. 82-б.

тупроқ билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран идрок этиш, уни жон-дилдан севиш – ҳаётга теран мазмун бағишлайди. Она бағри гўдак учун қандай оромбахш бўлса, Ўзбекистон – она-Ватан биз учун шундай ҳаётбахшдир! Унинг, озод Ватаннинг тимсоли, муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев айнан шундай таъкидлайдилар: *“Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуг ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанзимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк Йўлбошчимиз зоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди”*<sup>57</sup>.

Бугунги кунда демократик давлатимизни эъзозлашимиз, кадрига етишимиз, қадам-бақадам мустаҳкамлаб истиқбол сари, яъни, уни жаҳондаги ўта ривожланган мамлакатлар қаторига олиб киришимиз керак. Мана шу туйғулар, олийжаноб фазилат ҳамда эзгу ҳаракатлар бугунги кун учун Ватанга муҳаббат Биринчи Президент, айни пайтда новатор Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев тимсолидан ҳам бошланиши, яъни ватанпарварлик намунасига айланмоқда!? Ул Буюк ва улуг Зот эътирофи: *“Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу – табиий ҳол. Одамзот борки, авлод-аждодди кимлигини, насл-насабини, ўзи тугилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истади”*<sup>58</sup>.

<sup>57</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 26 январь.

<sup>58</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажақ йўқ. Т., “Шарқ”. 1998. 3-б.

**Ватанга муҳаббат** – юрт ҳимояси учун матонат кўрсатган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Амир Темур, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Дукчи Эшон, Примқул Намозов каби улугларга муносиб бўлиб яшашдир. **Ватанга муҳаббат**, бу – зулм-истибоддан қутулиш учун халқни маърифатли бўлишга чорлаган, миллий уйғонишга даъват этган, нажот илм-фан ҳамда бирлик ва бирлашиш ила ҳаракат қилиш, деб билган фидойи зиёлиларни, уларнинг раҳнамолари бўлган Мунавварқори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби сиймоларни кўрсатиш мумкин!

Ҳар бир инсон кўнглидаги орзу-умидлари, яъни саодатли Ватанга муҳаббатини Президентлар тимсоли орқали ҳамиша авайлаб-асрайди. Уларнинг рўёбга чиқиши учун интилиш ва курашиш баробарида эзгу ниятларига кўз тегмаслигини Яратгандан сўрайди. Демак, у умри давомида авайлаб-асрайдиган, кўз қорачиғидай азиз билган шундай туйғулар борки, уни ошқора тарзда эмас, ич-ичидан, юрагининг тубидан тўлқинлантириб ҳаёт йўллариغا ошно қилади. Масалан, оддий сўзлар бор – **Авайлаш** ва **Асраш**. Аслида инсон кўнглида кечадиган шу сўзлар – эъзозли туйғу! Зотан, болангизни, оилангизни, яхши кўрадиган одамингизни, яшаш жойингизни, элингизни, Президент – эл бошини, она Ватанни **авайлаши лозим, асраш керак**, деган ўй-фикрни доимо ёдда тутасиз!?

Дарҳақиқат, озодлик, хурлик, яъни кўнглимизда асраган Хурриятимизнинг безавол тараққиёти 27 йилдирки, кўзимизнинг қорачиғида яшамоқда. Нима демокчи эканлигимни тушунгандирсиз. Бизнинг кўнглимизда асраб-авайлайдиган улуг Ватан муҳаббатига Биринчи Президент ва Мустақиллик кўшилди! Киприклардан кўриқчи кўйиб, тоза ва жўшқин юраклардан йўл солиш керак, авайлаб-асраш лозим –

бу, Мустақилликнинг истиқбол нашидаси бўлиши Келажакни!!! Зотан, асрашни ўрганган халқимиз хурлиги ва эркини авайлаб яшайди! Бу истиқболда Ватанга муҳаббат хисси ила Президентлар тимсоли — халқимизнинг олий саодатидир.

Олий саодат туйғуси ила чинакамига мустақил фикрлай оладиган, Ватанини ҳимоя этиш учун керак бўлса, жонини ҳам фидо қиладиган, келажакни кўра оладиган мард ўғил-қизлар, қодир тадбиркорлар, ишбилармонлар, фидойилар керак! Мураккаб вазиятларда ўзини йўқотиб қўймайдиган, турли ҳолатларда ҳам эл олдига чиқиб мулоқот қила оладиган, шамолнинг эсишига қараб турланмайдиган, идроки ва иродаси мустаҳкам: элим, юртим деб яшайдиган ва таркибий қисмларни мустаҳкамлайдиган ташкилотчилар ва ташаббускорлар зарур. Биринчи Президент Ислоҳ Каримов ўз васиятларида: *“Ватанимизнинг келажаги ва тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган бундай янги авлодни тарбиялашга қаратилган дастурларни ўз вақтида қабул қилганимиз ва давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз янги жамият қуришимизда, ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи роль ўйнамоқда”*<sup>59</sup>, - деб таъкидлаган эди.

Буюк Ватанимиз Биринчи Президент раҳнамолигида Истиқбол йўлига чиққан экан, эзгу фикр ва сўзимиз ҳамда амалларимиз шу улуг сафаримиз мазмунига мос бўлиши керак, деган ғояни ул Зот айтган эди: *“бир пайтлар халқимиз, Ватанимизга нисбатан бўлган зулм ва зўравонлик, камситишлар ҳақида гапирар эканмиз, мен бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман: биз аламзада эмасмиз, кечаги ҳаётдан норози бўлиб, кимгадир қандайдир талаб қўйишдан ҳам йироқмиз. Кимлардир бир вақтлар юртимиздан улкан бойликларни олиб кетган бўлса, майли, бойлик тотилади.*

<sup>59</sup> Халқ сўзи. 2016 йил 1 сентябрь.

*Аммо шуни билиб қўйинглар, бизнинг энг катта бойлигимиз — бу халқимиз, ёшларимиздир”*<sup>60</sup>, - дер экан, ҳамон аламзадалиқ кўзи билан қаровчилар борлигини, империяпарастлар йўқ эмаслигини қуйидагича ифода қилиб: *“тарих ҳақиқати шуки, империя деган тузум ҳеч қачон кўп яшамайди. Нега деганда, империя ҳаммиса зулмга асосланади”*<sup>61</sup>.

Мустақиллик шарофати туфайли буюк бобомиз Амир Темур сиймосига ҳаққоний баҳо берилди. Амир Темурда камдан-кам учрайдиган ноёб истеъдоднинг қирраларини очиш имкониятлари яратилди. Унинг “Тузуқлари” давлатни идора қилиш ва ҳарбий санъатни ташкил этишининг намунасидир. Ушбу мажмуада зийраклигу донолик, фаросатлигу тадбиркорлик, ишбилармонлигу топқирлик, зукколигу билимдонлик каби ҳислатлар ўз аксини топган. Айниқса, ҳарбий соҳадаги Соҳибқироннинг ноёб фикрлари ҳамон, қарийб 650 йилдан буён ўзининг қимматини йўқотган эмас, Шарқу Ғарб учун дастуриламал бўлиб қолмоқда!?

“Тузуқлар”нинг мағзини чақиш, уларнинг маъно ва мазмунига тўлароқ тушунишнинг мезони бизнингча, халқимиз яратган бой ва битмас-туганмас давлатчилик ҳамда ҳарбий санъат хазиналарининг калити ҳам мустаҳкам-лигидадир. Аммо, унга эришиш йўли оғир йўл эди? Бу йўлнинг бошида донишманд, зукко ва зийрак, буюк давлат ва сиёсат арбоби Биринчи Президентнинг туриши нур устига аъло нур бўлди! Унинг, *“Шу азиз Ватан барчамизники, унинг истиқболи, фаровон келажаги деб яшаш ҳар бир инсон учун катта бахтдир”*, деган шиори ўз қадрини билган ҳар бир инсонни Ватанга муҳаббат қўйишга, уни авайлаб-асрашга илҳомлантиради. Айни пайтда “Тузуқлар”ни Асосий Қонунимиз билан қиёсан қарасак, *“Буюк Йўлбошимиз ҳақли*

<sup>60</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. Т., Ўзбекистон. 2015. 264-б.

<sup>61</sup> Ўша асар. 91-б.

равшида демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асосий муаллифи эдилар”<sup>62</sup>, - деган фикрни талабчан ва эл суйган Президент Шавкат Миромонич Мирзиёев фахр ва ғурур ила таъкидлади.

Ажойиб бир мисолга эътиборингизни қаратамиз. Франциялик сайёҳ Олье Бютефан: “Мен Самарқандга сайёҳ сифатида ташриф буюриб, бу ерда Халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўрилаётганини эшитгач, беихтиёр хаёлимда бир ёрқин хотира жонланди. 2011 йилда “Шарқ тароналари” саккизинчи Халқаро мусиқа фестивалида италиялик санъаткор Аль Бано Карризининг: “Ўзбекистон менинг юртим, унинг Президенти – менинг Президентим”, – дея баралла овозда таъкидлаганлиги ҳамда Ўзбекистоннинг муқаддас тупроғини тавоф айлаганлигини ойнаи жаҳон орқали томоша қилиб ниҳоятда таъсирланган эдим”,<sup>63</sup> - деб қайд қилди.

Биз Биринчи Президент Ислоом Каримовнинг улкан жасорат ва донишмандлик билан келажакни олдиндан кўриб, амалга оширган улуғвор ишларини, ёзган китоблари моҳиятини янада тереин тушуниб борганимиз сари унинг бебаҳо қирраларини кашф этаверамиз. Демак, буюк тафаккур ғоялари нафақат бугунги кунимизга, балки истиқболга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Унинг 23 жилддан иборат асарлари рисола, китоблари абадиятга дахлдор меросдир. Мазкур асарларда “ўзбек модели”нинг мазмун-моҳияти, тамойиллари турли қарашлар, ёндашувлар воситасида яққол тушунтириб берилган. Шу боис ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда қайд қилди: “Бизнинг яна бир энг муҳим устувор вазифамиз – Ислоом

<sup>62</sup> Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь.

<sup>63</sup> Ўша газета. 2017 йил 24 август.

Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган “ўзбек модели”нинг асоси бўлмиш беш тамойилни амалга ошириш асосида иқтисодий таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва унинг рақобатдошлигини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизнинг келгуси ривожини, халқимиз фаровонлигини, унинг турмуш даражасини ва сифатини юксалтириш айнан шу масалага боғлиқ”<sup>64</sup>.

Замон талабларига мос янги туб бурилишлар даври келди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган ва жаҳоний тус олган, яъни “ўзбек мўъжизаси”га айланган Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишларини у қуйидагича ифода қилди: давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодий эркинлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда хавфсизлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича энг долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилаётган Ҳаракат стратегияси мамлакатимизни кейинги беш йилда ислоҳ қилишнинг “йўл харитаси”га айланади”<sup>65</sup>.

Ватанга муҳаббат шундай туйғуки, унинг замирида нафақат севиш, ардоқлаш билан бирга, асраш ҳамда кўриқлаш керак. Буюк Йўлбошчимиз ҳақли равишда шундай қайд қилган эди: “Ота-онаси, фарзанди учун, эл-юрт, она Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр бўлган инсонни ҳақиқий ўғлон дейдилар. Ўғлон деган сўз билан ўғил деган сўзнинг фарқи бор. Ўғлон деган сўзнинг маъноси жуда катта. Яъни, ўғилларнинг энг сарасини, мард йигитларни халқимиз ўғлон дейди. Шу маънода, бугун униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ҳам ўз юртини мана шундай севса, унга


<sup>64</sup> Халқ сўзи. 2016 йил 9 сентябрь.

<sup>65</sup> Ўша газета. 2016 йил 23 ноябрь.



фидойи бўлиб яшаса, биз бугун ҳам, келажакда ҳам ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, ўз мақсад муддаоларимизга албатта етамиз”<sup>66</sup>. Айни пайтда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида фаолият юритаётган ходимлар, айниқса йигитларимиз асли ўғлон эканлигини намоёниш этаётганига шак-шубҳа қилиб бўлмайди. Улар Ватанга, Президентларга муҳаббат тимсоли, энг аввало тараққиёт ҳамда тинчлиги учун жонбозлик ҳамда фидойилик кўрсатишмоқда. Биринчи Президент ҳар доим: *мен Ватанимни асраш учун жонимни бершига тайёрман, халқимни эса ҳамيشа ардоқлайман*, - деган фикри энди васиятга айланди. Давлатимиз раҳбари ҳақли равишда: *“Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислоҳ Абдуганиевич Каримов она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги улкан тарихий хизматлари эътироф этилади”*<sup>67</sup> деганлари улуғ Зотнинг 80 йиллигига ҳам таҳсин айтишларидир.

Хулоса ўрнида таъкидламоқчимиз, Ватанга муҳаббат ҳисси Президентлар тимсоли орқали халқимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда турмуш тарзи фаровонлигини ошириш ҳисобланади. Ўзбекистон тараққиёти ва равнақи, унинг қудратли ривожланган давлатга айланиши ҳамда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигини таъминлашимиз асосий вазифа бўлиб қолади.



<sup>66</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. Т., Ўзбекистон. 2015. 269-276-б.

<sup>67</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 28 ноябрь.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Бебаҳо бунёдкор ғоялар — истиқбол ғоялари китобларда ифода қилинади. Улар қанотли кўшиқларга ўхшайди, яхшилик ва дўстлик элчиларига айланиб, элларни элларга дўстлаштиради, йўлларни йўлларга яқинлаштиради, дилларни дилларга пайвандлайди. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг бебаҳо бой мероси — китоблари билан мулоқотда бўлганингизда, юксак туйғулар қалбингиз ва шуурингизни қамраб олади. Буюк Йўлбошчимизнинг таълимоти тарихимиз, бугунимиз ва келажакимизнинг зарварақларидир.

*Кечани унутсанг,  
Бугунинг бўлмас.  
Ўтмишини билмасанг,  
қайда Келажак!  
Гар Эски бўлмаса,  
Янги тугилмас.  
Бугунни қадрла,  
Эрта кулажак!*

Аллома ва даҳо инсон, кишилик тарихининг улкан сиёсий сиймоси асарларининг жаҳон мамлакатлари, давлатлари назарига тушиб, катта эътиборга сазовор бўлиши, қисқа муддат мобайнида 50 га яқин хорижий тилларга таржима қилиниши бежиз эмас, албатта. Бу рисолаю китоблар сизу бизга мамлакатимиз стратегик келажакини олдиндан англашга кўмаклашади, фуқароларда эртанги кунга қатъий ишонч, орзу-умид туғдиради.

Биринчи Президентнинг 24 жилдлик асарларидан муайян даражада биз саралаган қанотли ва ҳикматли сўзлар

замирида олам-олам маъно-мазмун бор ҳамда ибратли ибораларнинг маънавий-ҳуқуқий ва тарбиявий-маърифий аҳамияти бекиёсдир.

“Ватан саждагоҳ каби муқаддас”, “Мустақиллик – муқаддас неъмат, улкан масъулият”, “Инсон бахт учун туғилади”, “Ўзбек халқининг асосий хислат ва фазилатлари ҳақида”, “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”, “Миллий ғурур, миллий ифтихор хусусида”, “Оила – жамиятнинг негизи”, “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” “Юксак маънавият – энгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” каби Буюк шахснинг юзлаб асарларида умумий ҳикматга айланган иборалар ҳозирги пайтда халқимизнинг бебаҳо бойлиги, тарихий маънавий меросига айланган. Доно Йўлбошчимиз, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Ислоҳ Каримовнинг ҳикматли ибораларидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик:

❖ *Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсадан қадрлидир. Биз фарзандларимиз онгига ва қалбига ана шу туйғуни сингдиришимиз лозим.*

❖ *Ватан кўнглимизда бўлса, Аллоҳ ишимизга мададкор бўлгай!*

❖ *Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадийдир. Ватанни севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан эъшиб қўлаш энг олий бахтдир.*

❖ *Ўзбекчилик – миллатчилик дегани эмас?*

❖ *Ўз тарихи ва аجدодларини сийлаган халқнинг келажаги албатта порлоқ бўлади.*

❖ *Халқнинг теран маънавиятисиз, ғурурисиз, юксак маданиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди!*

❖ *Инсон сўзи Она, Ватан деган каломлар каби муқаддасдир.*

❖ *Инсон дунёга яхши иш қилиш, из қолдириш учун келади.*

❖ *Элни иззат қилсанг, эл ҳам сени иззат қилади.*

❖ *Меҳр ва қадр бор ерда ҳамма нарса бор, қадр кетса, ҳамма нарса кўлдан кетади.*

❖ *Эл-юртнинг маъракасидан қолмаслик керак. Дабдабали тўйларга бормаслик мумкин, лекин таъзияда азадор билан бирга бўлиш керак.*

❖ *Халқ ва Ватанга садоқат ота-онага кўрсатилган садоқатдан бошланади.*

❖ *Адолат бўлмаган жойда норозилик, адоват, зиддият, қарама-қаршилик пайдо бўлиши муқаррар.*

❖ *Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқидан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайди.*

❖ *Не-не баҳодирларнинг елкасини ерга теккизган афсонавий Алломши, забардаст Фарҳод ҳақидаги ривоят дастонлар шунчаки афсона эмас, халқ руҳининг, халқ мардлигининг тимсолидир.*

❖ *Тинчлик ва бутлик қадрига етайлик, азизларим. Яқдил ва ҳамнафас бўлайлик.*

❖ *Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг.*

❖ *Ўта ўқимшили, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина Истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади.*

❖ *Аравани отдан олдин қўйиб бўлмаганидек, сиёсатни ҳам иқтисоддан олдинга қўйиб бўлмайди.*

❖ *Ўз иззати ва қадрини билган халққина бошқаларнинг ҳам иззат ва қадрини жойига қўйишига қодир бўлади.*

❖ *Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади.*

❖ Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-онадан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади.

❖ Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият – маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

❖ Халқнинг назаридан қолиш эса – агар жиндак виждони бўлса, ўлим билан баробардир.

❖ Раҳбарнинг ишига халқ баҳо беради. Энг олий ҳакам – Вақт.

❖ Сотқинлик – маккор дўстнинг иши. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман.

❖ Зеро, кимданки эл рози бўлса, Яратган ҳам рози бўлади.

❖ Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

❖ Инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди.

❖ Наслу насабини билмаган киши инсон бўлолмайди... Виждон билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб бўлмайди.

❖ Меҳр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир.

❖ Ҳар ким савоб иш қилсин, ҳар кун савоб иш қилсин.

❖ Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, дейдилар.

❖ Илм-фан шундай бир соҳаки, қариб қолиш, кексайиш, сафдан чиқиб қолиш каби ҳолатлар унинг табиатига бегонадир.

❖ Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби умуминсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шакланган.

❖ Фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтдир.

❖ Ҳозир тарбия масаласига эътибор берилмаса, келажак бой берилади.

❖ Миллий онги, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди.

❖ Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончим комил.

❖ Келажак бугундан бошланади.

❖ Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган обод ва озод Ватан қолдирайлик.

❖ Энг гўзал ва дилбар кўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги кўшиқлардир. Бундай жозибадор кўшиқлар эл-элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватанни ҳар томонлама юксалтиришга, кўз қорачигидек авайлаб-асрашга ва кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга даъват этади.

❖ Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик.

❖ Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати.

❖ Ҳамкорлик – иқтисодий тараққиёт гарови.

❖ Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир.

❖ Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ.

❖ Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак.

❖ Аёл бахти – жамият бахти.

❖ Аёл гўза бўлса – олам гўзал, аёл бахтли бўлса – оила, бутун жамият бахтли бўлади.

❖ Аёлни ҳурмат қилсак, миллатни ҳурмат қилган бўламиз.

❖ Раҳбар учун халқ ишончи – бу жуда муҳим нарса.

❖ Раҳбар доимо халқнинг дарди билан яшаши, унинг келажаги учун ўзини масъул деб билиши талаб қилинади.

❖ Агар сен одамларни севмасанг, халқингни, сенга ишонч билдирган одамларни юрагинга яқин олмасанг, раҳбар бўлишга умуман ҳаққинг йўқ!

Шундай қилиб, хулоса ўрнида Ўзлари – Ислом Каримовнинг фикрларини келтирамиз: *“Нафақат давлат раҳбари, авваламбор, буюк тарих, маданият ва маънавият эгаси бўлган халқимизнинг бир фарзанди сифатида, ана шу бебаҳо бойликни асраб-авайлаш, уни ҳар хил ошқора ва пинҳона хужумлардан ҳимоя қилиш ҳақида қайгурадиган бир инсон сифатида”*<sup>68</sup> абадиятга дахлдор, демокчимизки, Ватанимизнинг буюк стратегик келажagini таъминлаш учун ўта бой тарихий манба-мерос қолдирганлари ҳам юксак маънавий жасорат эмасму?! Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бежизга шундай қайд қилмади: *“Бугун мен Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажаришига киришар эканман, буюк давлат ва сиёсат арбоби, азиз устозимиз Ислом Каримовнинг ишларини давом эттирган ҳолда, 32 миллионлик катта халқ, катта мамлакатни бошқариш қанчалик масъулиятли ва мураккаб эканини, давлат раҳбари сифатида зиммамдаги жуда улкан жавобгарликни ҳар томонлама чуқур ҳис қилиб, англаб турибман”*<sup>69</sup>.

Гапнинг индаллоси, бундай ҳикмат ўз жойида айтилгани айни муддао бўлди.

*Изоҳ: ушбу бадидада жамланган мақолалар мамлакатнинг “Хуррият”, “Маърифат”, “Ишонч”, “Постда”, “Овози тожик”, “Нурли жол” каби газеталарида чоп этилган. Маълумки, газетадаги мақолалар китоб вариантыга айлантирилганда, баъзи қўшимчалар киритилган. Фақат иккита мақола “Халқчил таълимот” ва “Халқ севган Президент” ўта долзарб бўлганлиги учун ҳам 2016 йилдан олдин нашр қилинганлигига қарамай, мазмун – моҳиятини ҳисобга олган ҳолда китобга киритилди.*

<sup>68</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. 2008. 16-б.

<sup>69</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1. Т.: Ўзбекистон. 2007. 135-б.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1. Т.: Ўзбекистон. 2017.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. 2015.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон. 2011.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: “Шарқ”. 1998.
7. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. III жилд. Ўзбекистон. 1996.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т. 1993.
9. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Т.: Ёзувчи. 1998.
11. Айтматов Ч., Шохонов М. Қояда қолган кўз ёшлар. Жаҳон адабиёти. 1997 йил, №1.
12. Туленов Ж. Мустақиллик ва миллий тикланиш. – Т., 1996.
13. Платон. Государство. М., Наука. 1988.
14. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш бўйича маъруза матни. Т., Адолат. 2011.
15. Геродот. История в девяти книгах. – Л.: Наука, 1982; Фукидид. История. – Л.: Наука, 1981.

16. Карлейль Т. Герои, почитание героев и героическое в истории. – М.: ЭКСМО, 2008.

17. Плутарх. Сравнительные жизнеописания. – М.: Правда, 1987; Знаменитые греки. Жизнеописания Плутарха. – Л., 1961.

18. “Инсон ва сиёсат” журналі. 1991 йил. 2-сон.

19. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналі. – 1994. №2.

20. “Ўзбекистон матбуоти” журналі. 1998. №5

21. Ўзбекистон овози – 1992 йил.

21. Халқ сўзи – 2016 - 2017 йиллар.

22. Ишонч – 2017 йил.


23. Хуррият – 2017 йил.

24. Постда – 2017 йил.

25. Овози тожик – 2017 йил.


26. Нурли жол – 2017 йил.

27. Маърифат – 2017 йил.



## МУНДАРИЖА

Муққадима.....	3
Дил изхорлари.....	8
Тиллар тараққиёти – эллар бирлиги демак.....	16
Янги жамятнинг ғоявий – мафкуравий ва маънавий – руҳий асосчиси.....	24
Халқчил таълимот.....	34
Халқ севган Президент.....	43
Ислом Каримов – миллий давлатчилик бунёдкори.....	48
Тарихий тараққиётни измига солган инсон.....	64
Абадиятга дахлдорлик.....	70
Хулоса ўрнида.....	79
Фойдаланилган адабиётлар.....	85



Карим НОРМАТОВ



# АБАДИЯТГА ДАХЛДОРЛИК

Бадиа



Мухаррир: Халилов И.  
Техник муҳаррир: Хакимов М.

Нашриёт лицензияси № АІ 170. 23.12.2009  
Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 19-уй.  
Нашр табоғи 6.0. Босишга 2017 йил 25 декабрда рухсат этилди.

---

Офсет қоғози. Бичими 60x84<sup>1/16</sup>.  
Times гарнитураси. Шартли босма табоғи 5,5.  
Адади 300 нусха. Буюртма № 96  
«Munis design group» МЧЖ босмахонаси.  
100170, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 25-уй.